190094

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ЎЗБЕКІSTAN AVAZI

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 17 май, сешанба № 88 (21.692). Сотувда эркин нархда.

Ўзбекистон Президенти Японияга келди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 16 май куни расмий ташриф билан Японияга жўнаб кетди.

Ислом Каримов журналистларнинг саволларига жавоб берар экан, Япониянинг жаҳон ҳамжамиятида тутган юксак ўрни, тараққиёт йўлидаги истиқболли одимлари, ушбу олис кунчиқар юрт билан мамлакатимиз ўртасида боғланган дўстик ришталарининг узоқ тарихи хусусида сўзлади. Иккинчи жаҳон уруши келтирган хонавайронлик, табиий бойликлар тақчиллиги, ҳом ашё танқислиги сингари бир қанча тўсиқларга қарамай, ҳайратланарли даражада иқтисодий қудратга эришган мамлакат билан яқин ҳамкорлик қилиш, тажриба алмашиш, унинг юксак технологияси ва сармоясидан ўзаро манфаатли асосда унумли фойдаланиш иқтисодий мустақиллик ва фаровонлик сари бораётган республикамиз учун фойдадан холи эмаслигини таъкидлади.

— Қолаверса, ўз миллий валютасига ўтиш арафасида турган мамлакатимиз ички бозорини тўлдириш учун зарур рақобатбоп маҳсулотлар Ватани ҳам Япониядир, — деди юртбошимиз пировардида. — Сафардан асосий мақсадимиз Ўзбекистоннинг кенг имкониятларини японларга тушунтириш, банк, сармоя эгалари, ишбилармонлар, йирик фирма ва компаниялар учун юртимизга йўл очиб бериш ва шу орқали икки ўртадаги иқтисодий алоқаларни янада кучайтиришдан иборат.

Аэропортда мамлакатимиз Президентини республика Бош вазири Абдулҳошим Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Мавлон Умурзоқов, Хайрулла Жўраев, Олий Кенгаш Раиси ўринбосари Борис Бугров, Тошкент шаҳри ҳокими Адҳамбек Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

Кузатувчилар орасида Японияниг Ўзбекистон Республикасидаги муваққат ишлар вакили Кодзи Хино ҳам бор эди.

* * *

ТОКИО, 16 май. РАТА—ТАСС ва ЎзА мухбирлари хабар берадилар: бугун Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ўзининг биринчи расмий амалий ташрифи билан Японияга келди. Токионинг Ўзбекистон Республикаси ва Япониянинг Давлат байроқлари билан безатилган «Ханэда» аэропортида олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Тантанали кутиб олиш маросими тугаганидан сўнг Ислом Каримов рафиқаси билан ўзлари учун ажратилган боргоҳга йўл олди.

19 майгача давом этадиган ташриф мобайнида Ислом Каримов Япониянинг Бош вазири Цутому Хата билан музокаралар олиб боради, император Акихито томонидан қабул қилинади, ишбилармон доираларнинг вакиллари билан учрашади. Тошкент ва Токио ўртасида биринчи навбатда иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига пойдевор қўйиши лозим бўлган сафар якунлари бўйича биргаликдаги ҳужжатлар имзоланади. Ислом Каримовнинг ташрифи Японияниг қадимий пойтахти Киото шаҳрида якунланади. Бу шаҳар ўтмиш ва келажак ўзаро алоқадорлигининг рамзи бўлиб қолади. Чунки Европадан Марказий Осиё орқали ўтиб Узоқ Шарққача борган Буюк ипак йўлининг сўнгги манзили мана шу шаҳар бўлган.

(ЎзА).

«Катекс» қорақалпоқ-турк ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар фақат ички бозордаги истеъмолчиларга эмас, балки чет эллардаги харидорларга ҳам манзур бўлаётир. Жаҳон стандарти талабларига жавоб берадиган 48 номдаги буюмлар бу йил Германия, Россия, ва МДҲдаги бошқа давлатларга жўнатилади. Умуман, корхонада бу йил 4,5 миллион дона маҳсулот ишлаб чиқарилади. Булар турли кўриниш ва рангдаги болалар ва аёллар кўйлаклари, эркаклар учун спорт ва иш костюмлари, турли трикотаж маҳсулотларидир.

Суратда: Наргиза Қоратоеванн корхонанинг энг моҳир усталаридан бири, деб ҳисоблашади.

А. МУРОДОВ (ЎзА) олган сурат.

Бўка тумани—50 ёшда

Эртага Бўка тумани ташкил этилганлигининг 50 йиллиги тантанали нишонланади. Тўйда қўшни республикалар, Ўзбекистон вилоятлари, шаҳар ва туманларидан кўпгина меҳмонлар иштирок этишади. Улар туман меҳнаткашларининг ярим асрда эришган меҳнат кўрсаткичлари, диққатга сазовор жойлар билан танишадилар, қўлни-қўлга бериб меҳнат қилаётган йигирмадан зиёд миллат вакиллари билан дилдан суҳбат қурадилар. Байрамона безатилган «Мингчинор» маданият ва истироҳат боғи, шаҳар хиёбонлари, чойхоналарига бир пиёла чой устидаги гурунглар файз киритади.

Бўканинг келиб чиқиш тарихи ҳали илмий асосда чуқур ўрганилмаган. Лекин оғиздан-оғизга кўчиб, шу пайтгача етиб келган айрим маълумотларга қараганда Бўка қишлоғининг пайдо бўлиши 1800-1810 йилларга тўғри келади. Хонликлар ўртасидаги ўзаро урушлардан безган аҳоли бошпана ва тинч ҳаёт излаб турли ёқларга, шу жумладан, Бўка томонга келиб қоладилар. Сал кейинроқ ҳозирги туман марказидаги тепалик устига кўчиб келадилар. 16 хонадондан иборат бу гуруҳга Бика исмли шахс бошчилик қилгани учун қишлоқ Бика, кейинчалик Бўка номи билан атала бошлаган. «Ўрта Осиёдаги географик номлар луғати» китобида ҳам «Бўка — қабила бошлиғининг номи» дейилган. Яна бир бошқа тахминга кўра Бўка-арабча сўздан олинган бўлиб, у кўз ёши, чашма маъноларини англатади. Бу қишлоқ илгари сербулоқ бўлганига ишорадир.

У қандай ном билан аталмасин, Бўкани Бўка қилган унинг захматкаш, асл одамлари. Аввал тўқайзордан иборат бўлган, бир-икки хил экиндан бошқа ҳеч нарса унмайдиган жойларда эндиликда боғ-роғлар, хиёбонлар яшнаб турибди, қишлоқ хўжалигининг ўнлаб турдаги маҳсулотлари шаҳарликлар дастурхонини безамоқда. 204 та кичик корхона, юздан зиёд фермер хўжалиги фаолият кўрсатаётир. Туркия билан ҳамкорликда ишга туширилган шаҳардаги «Ўзтуркаккумаш» қўшма корхонаси маҳсулоти — турли маркадаги аккумуляторлардан мижозлар мамнун. «Юлдуз» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг филиали, босмахона ва пахта тозалаш заводида минглаб бўкаликлар ғайрат билан меҳнат қилишяпти. Ҳудуддаги 22 та жамоа хўжалиги туман иқтисодиётини ривожлантиришга катта улуш қўшяпти. Фан, халқ таълими, тиббиёт ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида муайян ютуқлар қўлга киритилаётир. Турли йилларда туманга раҳбарлик қилган Эркин Шайхов, Мавлон Эгамбердиев, Турғун Ражабов, Тўхтамурод Исломов ва бошқалар туманнинг ижтимоий, иқтисодий, маърифий, маданий-маиший ривожига баракали ҳисса қўшдилар. 30-йилларда машҳур савдогарлардан Муҳаммаджон Ғиёсов, Умирқул Холматов, катта ер эгалари — Мирзахўжабой, Иброҳим оқсоқол сингари ўнлаб тадбиркорлар қизил салтанат томонидан Сибирга сургун қилинмаганда, оилавий бахт нималигини ҳали татиб кўрмаган 600 нафар мард ўғлон Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлмаганда, туман мавқеи янада баланд-роқ, аҳолиси эса 90 мингдан анча кўпроқ бўлиши мумкин эди.

Нима бўлганда ҳам Бўка меҳнат аҳли орасида онаюрт истиқболи, ёшлар камоли, келажак иқболи учун жон куйдириб, эзгулик уруғини сочиб кетганлар юзлабдир. Туманнинг бугунги ҳокими Баҳодир Махситов, ҳоким ўринбосари Рустам Худойқулов, Ўзбекистон ХДП туман кенгаши биринчи котиби Баҳром Раҳмонқулов билан бўлган суҳбатларимиз чоғида ҳам ана шу жиҳатлар алоҳида таъкидланди.

— Эзгу ишлар — минг йил яшар,— деди Б. Махситов,— зотан, ана шу ишларга бош-қош бўлган инсонлар номи ҳам минг йилга татигулик. Бизнинг эзгу ниятимиз ҳам ота-боболаримиз меросини асраш ва бойитиш, халқимиз фаровон яшаши йўлида бор куч-имкониятни ишга солиш...

Ҳокимнинг ушбу ниятларига биз ҳам тилакдошмиз! Бинобарин, 1300 нафар партия аъзосини ўз сафларига бирлаштирган 44 та бошланғич ташкилот, кўпни кўрган билимдон фахрийлар, Ёшлар Иттифоқи ва бошқа юзлаб фаоллар бор экан, демак, эзгулик ва бунёдкорлик бундан буён ҳам барқ уриб, элюрт яшнайверади.

Абдунаби МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози»нинг Тошкент вилояти бўйича ўз мухбири.

ЭЗГУ ИШЛАР— МИНГ ЙИЛ ЯШАР

ҚОЗОҒИСТОН КУНЛАРИ ОЛДИДАН

14 май куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Қозоғистон Республикаси куняларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг навбатдаги мажлиси бўлди. Уни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, ташкилий қўмита раиси И. Жўрабеков бошқарди.

Маълумки, 23 май куни Тошкентда Қозоғистон кунлари тантанали суратда очилади. Унда иштирок этиш учун қардош мамлакатдан 600 га яқин меҳмон келади. Улар орасида давлат ва жамоат арбоблари, ёзувчилар ва санъаткорлар, олимлар ва ишбилармонлар бор.

Ташкилий қўмита мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев Қозоғистон кунларига тайёргарлик хусусида ахборот берди. Шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ш. Жалилов, маданият ишлари вазири Э. Ҳайитбоев, «Ўзбектуризм» миллий компанияси раиси Б. Қаюмов, «Тошшаҳарйўловчи т р а н с» раиси Р. Файзуллаев, кўпгина вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари қилинаётган ишлар тўғрисида гапирдилар.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, Бош вазир ўринбосарлари Ў. Султонов, М. Усмонов, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков иштирок этдилар.

(ЎзА).

ЎЗБЕК ПЎЛАТИ ХОРИЖДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Бекободдаги «Ўзбекистон металлургия заводини реконструкция қилиш» тўғрисидаги қарори корхонада изчил амалга оширилмоқда. Цехларда электр билан пўлат эритиш, ҳозирги замон металлургия ускуна ва дастгоҳлари билан жиҳозлаш ишлари бошлаб юборилди.

Бекободлик металлургларг шу йилнинг биринчи чорагида 110 минг тонна пўлат, 105579 тонна прокат маҳсулотлари ишлаб чиқардилар. Навли прокатга талаб нафақат республикамиз вилоятларида балки МДҲ ва Европа, Осиё давлатларида ҳам талаб ошиб бормоқда. Буюк Британия, Япония, Хитой, Исроил ва бошқа чет мамлакатларга арматура экспорт қилинмоқда.

Яқинда Исроилга 3500 тонна 16 миллиметр ўлчамдаги арматура жўнатилди. Маҳсулотни жўнатишда 2-навли прокат цехининг Ғиёсиддин Мадаминов, Исмоил Тўрақулов, Илҳомжон Искандаров каби усталари, Асқар Алиев, Алфия Облақулова сингари кўприк крани машинистлари алоҳида ўрнак кўрсатдилар.

Турсунали УСМОНОВ,
Бекобод.

ЗАФАРОБОД ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Жиззах вилоятининг кўрик Зафаробод тумани маркази тобора чирой очмоқда. Ҳар йили кўплаб турар-жой, маданий-маиший ва маъмурий биноолар барпо этиляпти, янги боғ-роғлар яратилмоқда. Яқинда туман ҳуснига ярашиқли хол бўлиб тушган муҳташам автобекат фойдаланишга топширилди.

Унинг ишга туширилиши шарофати билан туман аҳли ҳар куни 350—400 кишини сафарга кузатиш ва қарийб шунча йўловчини кутиб олиш имкониятига эга бўлди. Илгари уч-тўрт шаҳарга автобуслар қатнаган бўлса, эндиликда ўнта манзил томон қатнов йўлга қўйилди. Чўлқуварлар учун Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Фориш каби шаҳарлар бир қадам бўлиб қолди. Яқин вақтлар ичида Фарғона водийси ва Сирдарё вилоятига ҳам янги қатновлар очилади.

Туман меҳнаткашлари дори-дармонлар излаб, бошқа жойларга бориш ташвишидан ҳам қутилдилар. Автобекат билан бир пайтда замонавий фармацевтика асбоб-ускуналари билан жиҳозланган дорихона улар хизматига топширилди.

Туманнинг янгиликлари шуларгина эмас. Ҳар куни 2 тоннагача нон пиширадиган ўзбек-турк қўшма корхонаси, 30 нафар тикувчи ишлаётган тикув цехи ва йилига 5 миллион дона ғишт ишлаб чиқарувчи завод ҳам маҳсулотлар бера бошлади.

К. ЖУРАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Ислоҳот ва одамлар

Абраматов айтадики, агар корхонамиз хусусийлаштирилса ёки ҳиссадорлик жамоасига айлантирилса ишлаб чиқаришни қишин-ёзин тўхтатмаймиз, дейди.

Абраматов ким, дерсиз. Исми Саидмурод. Термиз туманидаги «Кооператор» деган консерва заводининг директори. Корхонанинг тегирмони декабрь ойидан буён тўхтаб қолган. Хом ашё йўқ. Энди то мева-ю сабзавот пишгунга қадар шу гап. 28 та одам учун на тайинли иш бор, на тайинли гап. Завод бўлса асли тумандаги «Намуна» жамоа хўжалигники. Хўжаликнинг ранси Амир Ҳимматовни кўплар ишчан, қадамини замонага қараб ташлайдиган одам, дейишади. Лекин...

АРОСАТ КЕМАСИ ҚАЁҚҚА СУЗСИН?

— Бизга раиснинг қариндошлиги ҳам бор,— дейди Абраматов елка қисиб.—Заводни калхўздан сотиб олайлик, деймиз. Рўйхушлиги йўқ. Заводга ўн гектарча ер беринг, қишки, кечки ва эртаки сабзавот қиламиз, деймиз. Гапимизни эшитмасликка олади. Биз охири бир «ўзбошимчалик» қилдик. Вилоят хусусийлаштириш идорасига, бизни калхўз тасарруфидан чиқаринг, деган мазмунда ҳужжатларни топширдик. Бироқ Ҳимматов бошлиқ бошқарув бунга розилик билдирмаса, яна аросат кемасида оёқ-қўли боғланган одамдай ўтираверамиз.

Энди заводдаги ўша кунги манзарани кўриб: «Намуна»нинг ранси Ҳимматов чиндан ҳам консерватор одам экан-да, деб шошилинч хулоса қилмоқчи эмасман. Лекин, тўғриси, хўжаликнинг консерва заводи тубидаги лимонзорига - кўзи тушган одамнинг Ҳимматовдан ҳафсаласи пир бўлишини таъкидламоқчиман. Лимонзор, деб аталадиган майдон олтмиш-етмиш сотихча жойни эгаллаган. Шунча майдоннинг учдан бир бўлагида ўстирилаётган лимон дарахтларнинг ҳатто таги ағдарилмаганига, бегона ўт босиб ётганига нима дейсиз. Қолган икки қисмида шу ҳам йўқ. Қуруқ шудгор.

— Ҳеч бўлмаганда шу лимонарийни ихтиёримизга беришсин-чи, лимон ўсмаган қисмида қишки помидор, бодринг етиштирмаймизми. Шу етмиш сотиҳдан уч миллиард сўм даромад қилса бўлади, — дейди Абраматов.

Абраматовнинг, шу йил март ойида памидорнинг килоси бозорда 40 минг сўмга кўтарилди, деганини эшитиб, унинг уч миллиард ҳақидаги лукмаси ҳақиқатга яқинлигига ишонгим келди. Бунинг устига Абраматовларнинг ишхонаси Термиздай шаҳри азимнинг биқингинасида жойлашган бўлса. Мана сизга оёқ ости бўлаётган, оёқнинг остидаги имконият!

О. УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ФАХРИЙЛАР ЭЪЗОЗДА

Самарқанд вилояти деҳқонлар уюшмаси ва жамоа хўжаликлари кенгаши Каттақўрғон туманининг Раҳима Исломова, Ургут туманининг Улуғбек, Гўзалкент туманининг Жониқул Юсупов номидаги жамоа хўжаликларида истиқомат қиладиган уруш иштирокчилари ва фронт ортида заҳмат чеккан фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасига эътиборни кўчайтирмоқда.

Фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги арафасида уруш иштирокчилари ва меҳнат фахрийлари деҳқонлар уюшмаси таъсис этган кўкрак нишони ҳамда хўжалик ҳисобидан пул мукофоти билан тақдирланади, уларга ҳар икки йилда дам олиш уйларига ва сиҳатгоҳларга бепул йўлланма берилади, фахрийларнинг хўжалик ишлари учун зарурат туғилганда транспорт воситаси, томорқасига ишлов бериш учун трактор ажратилади.

(ЎзА мухбири).

Янгиликлар Воқеалар Хабарлар

● Қулайлик

САВДО-СОТИҚ АВЖИДА

● Уйчи туманн марказида усти ёпиқ бозор — тим ишга тушди.

Уни Наманган вилоят «Кооптайёрловсавдо» бирлашмаси қурди. Энди туман марказидаги кичик бозорчалар шу ерда «йиғилиб», харидорларга анча қулай бўлиб қолди.

Янги бозорда 13 та савдо растаси бор. Дўконларда туман хўжаликларида етиштирилган маҳсулотлар сотилмоқда. Бу ерда тижорат дўконларига ҳам жой ажратилган, автомашиналар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари сотиладиган жойлар тайин. Ошхона, меҳмонхона сотувчи ва харидорлар хизматида. Шу сабабли, дастлабки кунданоқ бозорда савдо-сотиқ қизғин тус олди.

● Тадбиркорлик

АГАР МЕТАЛЛ ЕТИШМАСА

● Марҳаматдаги 26-зўлдирли подшипник заводида металл етишмаслиги ва шу туфайли асосий маҳсулот ишлаб чиқариш камайгани учун кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қарор қилинди.

Корхонада машҳур Ангор эчкилари тиниитидан рўмол тўқиш ўзлаштирилди. Янги цехга ўнта дастгоҳ ўрнатилиб, қўли гул ишчилар зарур йигирув ускуналарини ясаб беришди. Ҳом ашё Қирғизистон ва Тожикистоннинг Ангор эчкилари боқиладиган хўжаликлари ҳамда аҳолидан сотиб олинмоқда.

Заводда асосий ишлаб чиқариш чиқитларидан металл буюмлар — эшик ва дераза тутқичлари, пичоқ ва болтачалар ясаш ҳам йўлга қўйилган. Бу тадбирлар ходимларни иш билан таъминлаш, корхонанинг иқтисодий аҳволини яхшилаш имконини бермоқда.

● Экология

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

● Гулистон давлат университетида экологик муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлди.

Унда республика олий ўқув юртлари олимлари, бир қанча вилоятлар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталарининг мутахассислари қатнашди.

Анжуманда Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё вилоятларида табиат муҳофазасини яхшилаш, мактаб ва олий ўқув юртларида экологик тарбияни кучайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

● Шеърият байрами

ВОДИЙДА НОДИРАХОНЛИК

● Фарғона водийсида атоқли шоира Нодира таваллуди куни кенг нишонланди.

Бобур номидаги Андижон давлат дорилфунунида шоира ҳаёти ва ижодий меросига бағишланган анжуман бўлди. Унда Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси А. Қаюмов, профессорлар А. Ҳайитметов, Ф. Сулаймонова, Ўзбекистон халқ шоирлари Э. Воҳидов, Ҳ. Худойбердиева ва бошқалар Нодира шеъриятининг ибратли жиҳатлари ҳақида гапирдилар.

Шаҳрихон шаҳридаги Нодира боғида, Қўқон шаҳридаги Ҳамза номли драма театрида қутлуғ сана муносабати билан нодирахонлик кечаси — шеърият ва санъат байрами бўлди.

● Қўшма корхона

ДЕҲҚОНЛАР ТЎҚИГАН ГИЛАМ

● Жондор туманнинг Охунбобоев номидаги жамоа хўжалиги ҳудудида йилига беш миллион дона ғишт ишлаб чиқарадиган завод ҳамда шампунь ва кийим-кечак кабн маҳсулотлар тайёрловчи цехлар ишга тушди.

Шунингдек, табиий ипакдан гилам тўқийдиган Ўзбекистон — Афғонистон қўшма корхонаси барпо этилди. Унинг дастлабки маҳсулоти бу ерда бўлган америкалик Т. Нойнер ва германиялик М. Дэнда катта қизиқиш уйғотди. Улар нафис гиламларнинг донасини 20 минг АҚШ долларига харид қилиш истагини билдирди.

Жамоа хўжалигида хусусийлаштиришга ҳам алоҳида эътибор берилаётир. Чорвачилик, боғдорчилик ва полиз маҳсулотлари етиштириш соҳаси хусусийлаштирилган.

(Мухбирлар, ЎзА хабарлари ва хатлар асосида тайёрланди).

Янгиликлар Воқеалар Хабарлар

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши пленуми олдидан

„МЕН — ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ АЪЗОСИМАН“

Ҳур Ўзбекистонимиз ўзи танлаган тараққиёт йўлидан дадил олға бормоқда. Унинг равнақига, истиқлолимизни мустаҳкамлашга мамлакатимиздаги ҳар бир ватанпарвар фуқаро, шу муқаддас тупроқни ўзига она-Ватан деб билган ҳар бир инсон, кўплаб жамоат ташкилотлари ва уларнинг аъзолари баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқдалар.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси том маънода истиқлол фарзанди бўлиб, мустақилликка эришганимиздан буён уни ҳар томонлама мустаҳкамлашга, партиямиз Ранси, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг республикамизни жаҳондаги тараққий этган давлатлар қаторига олиб чиқишга йўналтирилган тинчликсевар ички ва ташқи сиёсатини тўла қўллаб-қувватлаш, тарғиб ва ташвиқ этишга астойдил хизмат қилиб келмоқда. Шу боисдан ҳам кейинги пайтда партия сафлари кенгайиб бораяпти.

Ўзбекистон ХДПга бировнинг қистови ёки маслаҳати билан эмас, балки ўз хоҳишродаси, таъбир жоиз бўлса, қалб амри билан аъзо бўлишга, унинг сиёсатини қўллаб-қувватлашга қарор қилаётган кишилар, айниқса, ёш йигит-қизлар кўпаймоқда. Шу сабабли Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг эртага бўладиган X пленумида «Ўзбекистон Халқ демократик партияси ёшлар сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида»ги масала ҳам кўриб чиқилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон ХДПнинг аъзолари сони 350 минг нафардан ошди. Энг муҳими, унинг сафлари сифат жиҳатидан мустаҳкамланиб, барқарорлашиб бормоқда. Ҳозирда одамлар: «Мен Халқ демократик партияси аъзосиман», деб ғурур билан айтаётирлар.

Шу туфайли ҳам таҳририятимиз бугундан бошлаб: «Мен — Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзосиман», деган умумий сарлавҳа остида саҳифа бериб боришга қарор қилди. Унда сиз Ўзбекистон ХДП бошланғич ташкилотлари, партия аъзоларининг иш фаолияти, амалга ошираётган хайрли тадбирлари, ташаббуслари, жамиятимиздаги воқеаларга бўлган муносабати, фикр-мулоҳаза ва таклифлари билан танишиб борасиз.

Ислом КАРИМОВ:

«ЁШЛАР ПАРТИЯНИНГ АСОСИЙ ТАЯНЧИ БЎЛИБ ҚОЛИШЛАРИ КЕРАК. АЙНИ ЁШЛАР РЕСПУБЛИКАНИНГ ТАҚДИРИНИ ҚЎЛГА ОЛИШЛАРИ, УНИ ТАРАҚҚИЁТ ВА РАВНАҚ САРИ ДАДИЛ БОШЛАБ БОРИШЛАРИ ЛОЗИМ».

(Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Таъсис қурултойида сўзланган нутқдан).

Ўзбекистон ХДП Юнусобод туман кенгаши биринчи котиби Маъруф Усмонов ёш иқтисодчи Гулчеҳра Усмоновага партия билетини топширмоқда.

А. ТУРАЕВ олган сурат.

АСОСИЙ ТАЯНЧ

Ватанимиз мустақиллигининг учинчи йили дадил одимлаётган ҳозирги даврда жамиятимиз ҳаётида катта сиёсий ва ижтимоий воқеалар содир бўлмоқда. Жамият ҳаётининг барча соҳаларида бўлганидек, одамлар онгида ҳам янгича тафаккур ва янгича дунёқараш шаклланиб, Ўзбекистонимиз нурли келажагига ишонч ва умид кўзи билан қаралмоқда. Ўзбекистон халқаро миқёсда катта нуфузга эга эканлиги, шубҳасиз, эътироф этилмоқда. Айниқса, республикамиз Президенти, Халқ демократик партияси Ранси Ислом Каримовнинг изчил олиб бораётган кўпқиррали сиёсати туфайли юртимизда тинчлик, осойишталик ва барқарорлик ҳукмрон.

Ёш мутахассислар ва талабаларнинг чет давлатларга бориб, малака орттириши, ўқиш ва ҳунар ўрганишининг ташкил этилиши, ёш авлоднинг ҳар томонлама рағбатлантирилиши, ёшларга оид чиқарилаётган Фармон ва қарорларнинг барчаси юқоридаги фикримнинг далилидир.

Бу ғамхўрликни биргина Хоразм вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. Президентимиз Фармони билан 1992 йилда Хоразм Давлат пединститути университетга айлантирилди. Унинг ўқув-ўқитиш базаси кенгайди. Домлаларимиз қаторига жумҳуриятимиз маркази — Тошкентдан ўнлаб олимлар, профессор ва доцентлар келиб қўшилди. Илм маскани тобора кенгайиб, кўркамлашиб бормоқдаки, ҳозирнинг ўзидаёқ унинг бағрида беш мингдан зиёд талаба илм-фан сирларидан баҳраманд бўлмоқда.

Хоразмда кейинги йилда Тошкент қурилиш-архитектура институтининг, иқтисод, тиббиёт олий билимгоҳларининг филиаллари очилиши нур устига аъло нур бўлди. Бу ғамхўрликларга жавобан биз — ёшлар Ватанимизни севиб-ардоқлаб, халқимизга истиқлол йўлида камарбаста бўлишга ҳаракат қиламиз. Олий даргоҳни битказиб, юртбошимиз бошлаб берган иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда, «Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Миллий истиқлол мафкураси»ни турмушга татбиқ этишда фидокорона хизмат қиламиз. Шу мақсадда мен ҳам яқинда Халқ демократик партиясига аъзо бўлиб кирдим. Бу билан ғурурланаман. Негаки, партиямиз бошида унинг сарбони бўлиб ҳурматли Президентимиз Ислом Каримов турибди. Унинг ЎзХДП таъсис қурултойида айтган гаплари ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди: «Ёшлар партиянинг асосий таянчи бўлиб қолишлари керак. Айни ёшлар республиканинг тақдирини қўлга олишлари, уни тараққиёт ва равнақ сари дадил бошлаб боришлари лозим».

ХДП аъзоси бўлганим билан яна шунинг учун ҳам фахрланаманки, мен сафида турган партия инсонпарварлик ва демократияни, меҳнат аҳлининг кам даромадли табақалари манфаатларини чинакамига муҳофаза қилишни, ёшлар ташкилотлари билан баҳамжиҳат ҳаракат қилиб, уларнинг яқин маслаҳатгўйи бўлишни ўзи учун асосий йўналиш қилиб олган. Фахрланишимнинг яна бир боиси шуки, ХДП сафида менинг отам, онам ва ҳурматли устозларим бор. Демак, бу партияга кириб, мен тўғри йўлни танладим, деб айта оламан.

Алишер ЮСУПОВ,
Урганч Давлат университети умумтехника факультети бешинчи босқич талабаси.

ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА — ЁШЛАР МАСАЛАСИ

Ўзбекистон ХДП Термиз шаҳар кенгашининг навбатдаги пленумида «Ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш ҳамда улар орасида партия таъсирини кучайтириш юзасидан шаҳар партия ташкилотининг вазифалари» муҳокама этилди. Ушбу масала бўйича шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби Э. Диёров маъруза қилди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят кенгаши биринчи котиби Ҳ. Эрматов ва Термиз шаҳар ҳокими М. Холбоевлар қатнашиб, сўзга чиқдилар.

Е. ТОШМУРОДОВ.

БИЛЕТЛАРНИ ФАХРИЙЛАР ҚЎЛИДАН ОЛИШДИ

Яқинда шаҳримиз партия ташкилоти ҳаётида қувончли ва унутилмас воқеа бўлиб ўтди. Меҳнатда ўрнак кўрсатган бир гуруҳ йигит-қизлар ўзларининг Халқ демократик партияси сафида бўлиш истагини билдиргандилар. Ўн бир нафар йигит-қизларимиз фахрийлар — Патилахон Жўрабоева, Собиржон Марасулов, Ғофуржон Халилов, Виктор Китьяченко, Ғанижон Маҳмудов, Владимир Оршуляк сингари табаррук инсонлар қўлидан партия билетларини қабул қилиб олдилар.

Ўзларининг сиёсий-ғоявий интилишлари ва саъй-ҳаракатлари билан истиқлолимизни мустаҳкамлашга муносиб улуш қўшиб, партия сафларини тўлдиранлар орасида муҳандис Мақсаджон Акрамов, тиббиёт ходими Равшан Турдиқулов, ишчи Муҳаммаджон Тошмирзаев, ҳайдовчи Исроилжон Нурматов, тиббиёт ҳамшираси Саломатхон Салимовалар бор.

Уларнинг ҳар бири Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолигига муносиб. Ўз касбдошлари ичида ҳалол ва фидокорона меҳнатлари билан, ташаббускорликлари, ташкилотчилик фаолиятлари билан намуна бўлишмоқда. ХДПнинг сафига ана шундай ватанпарвар ва фидойиларнинг келиб қўшилганлиги, айниқса, партия фахрийларини ғоят қувонтирди. Бундай табаррук кишилар қўлидан партия билетини қабул қилиб олишнинг рамзий маъноси ҳам бор. Демак, кекса авлодлар бошлаган ҳайрли ишлар давом этаверади.

Муҳиддин ҲАКИМОВ,
ХДП Асака шаҳар кенгаши партия ташкилотчиси.

ЯХШИЛАРГА ЭРГАШДИМ

Шу йилнинг бошида бир гуруҳ дўстларим билан Ўзбекистон Халқ демократик партиясига аъзо бўлиб кирдим. Бунинг сабаблари кўп. Илгари мен бирор сиёсий ташкилотга аъзо бўлишга унча рўйхушлик бермасдим. Кейинчалик ҳаётдаги ўзгаришларни синчковлик билан кузатиб борар эканман, ўзимда сиёсий ҳаракатларда фаол иштирок этишга ҳоҳиш сеза бошладим. ХДПнинг ҳаракат Дастури, Низоми билан танишиб чиққач, шу партия сафига аъзо бўлиб кириш иштиёқи пайдо бўлди.

Иккинчи томондан эса, бунга ширкатлар уюшмаси партия ташкилотининг котиби Гавҳар опа Нишонова сабабчи бўлдилар.

Гавҳар опани ҳаммамиз ҳурмат қиламиз. Куйди-пишди, тўғри сўз. Айни чоғда куюнчак ва меҳрибон инсон, Ширкатимиз олдида турган муаммоларни дадиллик билан юқори идоралар олдига қўя оладилар. Бирор оила ёки киши бошига ташвиш тушиб қолса, ҳеч қачон бефарқ қараб турмайдилар.

У кишининг яна бир ҳурматга лойиқ томони ҳар кимга баҳо бера оладилар. Ёшларга йўл-йўриқлар кўрсатадилар. Менинг ҳам орзўйим амалга ошди. Халқ демократик партиясига аъзо бўлдим. Бу билан фахрланаман.

Ташкилотимизда ўттиз тўрт нафар аъзо бор. Улар орасида Г. Нишонова, У. Муротов, Э. Давронов, А. Норбоевага ўхшаган обрўли кишилар оз эмас.

Мен яхшиларга ҳавас қилиб, ХДПга аъзо бўлдим. Ҳаётда ҳамиша уларга эргашаман. Эндиликда мен ҳам қурашларда чиниқиб, жамоамиз ва юртимиз хизматида бўлсам, дейман.

Бектурсун РАҲМОНҚУЛОВ,
Мирзаобод туманидаги Беруний номли ширкатлар уюшмаси тафтишчиси.

Биз партия сафларини асосан ёшлар, илғор ишчилар, муҳандис-техник ходимлар, чўпонлар ҳисобидан тўлдириб боришга алоҳида аҳамият берямиз. Кейинги пайтда ана шу касб эгаларидан қирқ нафари Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолигига қабул қилинди. Ҳозир уларнинг жами сони тўқсон саккиз кишига етди.

Фаол партия аъзолари меҳнат жабҳасида ташаббус кўрсатиб ишлаётганликлари сабабли қувончли натижаларга эришяптилар. Биргина мисол. Хўжалигимиздаги саккизта фермер жамоаси бир ярим ой ичида икки тонна гўшт ва ўн икки тонна сут топширишга муваффақ бўлди. Бундай ютуқлар қўлга киритилишининг сабаби бор. У ҳам бўлса, фирқа аъзолари зиммаларига юклатилган партия топшириқларига катта масъулият билан ёндашиб, ҳар бир ишни маромида бажаришга интиладилар.

Масаланинг иккинчи бир жиҳати ҳам бор. Бу — партия ташкилоти ва унинг бюроси томонидан қабул қилинган қарорлар ижроси. Ўтган йили бюро мажлислари ва умумий партия йиғилишларида хўжалигимизнинг бош мутахассислари, ферма ва бригада раҳбарлари, шунингдек, цех партия ташкилотлари котибларининг ҳисоботлари эшитилди. Партия ҳаётидаги бундай иш услуби ЎзХДП аъзоси бўлган раҳбар ходимларнинг масъулиятини янада оширади, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф этиш имконини беради.

ИШОНЧНИ ОҚЛАЙМИЗ

Кейинги пайтда асосий эътиборни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XV сессияси ҳужжатларини, сессияда юртбошимиз сўзлаган нутқ моҳиятини аҳолига тушунтиришга, «Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Миллий истиқлол мафкураси»ни омма ўртасида кенг тарғиб-ташвиқ қилишга ҳамда Олий Мажлисга бўлажак сайловга пухта тайёргарлик кўришга қаратганмиз. Айни чоғда фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласи ҳамиша диққат-эътиборимизда. Хўжалигимизда тўқсон битта турар жой хусусийлаштирилди. Шу билан бир қаторда партия фаолларимиз миллий қадриятларимизни тиклаш ва эъзозлаш, анъанавий миллий байрамларимизни кўнгилли ва мароқли ўтказиш борасида ҳам жонбозлик кўрсатишяпти.

Лўнда қилиб айтганда, ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида партия аъзоларининг фаол иштирокини таъминлаш шу кунниг муҳим вазифаларидан биридир. «Партия обрўси — менинг обрўйим» деган шиорнинг ҳаққонийлиги учун курашиш лозим. Бу ҳар бир фирқа аъзосининг муқаддас бурчига айланмоғи керак. Эл-юрт ўртасида партиямиз нуфузини янада кўтарганимиздагина биз, Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоларини ва эъзозлайди, ҳурмат қилади. Партияга бўлган ишонч бизга ҳам ишончдир. Партиямиз бу ишончни оқлашга интилаётганлигини сафимизга кўплаб аъзолар кириб келаётганидан ҳам кўриш мумкин.

Қурбонбой САЕКОЕВ,
Тахтакўпир туманидаги «Жанадарё» давлат хўжалиги бошланғич партия ташкилоти котиби.

ЭЗГУЛИК ЧОРРАҲАСИ

Одамда фахр деган туйғу бор. Меннимча, унинг кимлигини, бахт-саодати ўлчамини шу туйғу тарозиси белгилар. Мен бир ишчи сифатида ўзимдан-ўзим фахрланаман. Ўзидан фахрланадиган одамга ўзи яшаётган юрти, дўст-қариндошлари шунчалик азиз эканки...

Олтмишга кирибманки, биров менга қўлини бигиз қилиб қараганини билмайман. Йигирма ёшимда бутун жарқўрғонликлар мени «Толик» деб чақиришарди. Узбек тилини сувдай билганим учунми, Толик ўзимизнинг қўнғирот элидан, деб суюшади. Мана, бугун Анатолий Георгиевичман.

Эътиқодимни сўрасангиз... Тўғри, ҳамсояларим азбаройи ҳурмат қилганларидан ҳудойиларга ҳам таклиф қилиб туришади. Лекин динимга мустаҳкам одамман ва бунга қўшимча Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзосиман.

Партия аъзоси бўлишнинг нимаси яхши? Элнинг, халқнинг манфаатларини ёқлайман, деб майдонга чиққан сиёсий куч бир чорраҳадир. Бу чорраҳада мафкура туташади. Орзу-умидлар, саъй-ҳаракатлар, қутлуғ юмушлар туташади.

Мана, бизнинг жамоамизни олинг. Унчалик йирик эмас. Лекин бошланғич ташкилотимизда тўқсондан зиёд аъзо бирлашган. Ҳаётнинг аччиқ-чучуги бор. Одамларнинг бир-бирларига ёрдам бериши лозим бўлган муқаддас бурчлари бор. Худди шундай вазиятларда ташкилот дарҳол ўзининг борлигини, ишлаётганини билдириб қўяди. Яқинда бир хайрли иш қилдик. Сафар Бобоёров деган афғон урушида ҳалок бўлган ишчимизнинг сағир қолган ва эндиликда вояга етаётган фарзандларига уй бердик. Шунга ўхшаш ишларимиз оз эмас. Бу каби юмушларимизни кўрганлар ташкилотимиз котиби Абдимурод Бердимовга ариза ёзишиб, бизни ҳам сафларингизга қабул қилинглар, дейишмоқда.

Ҳозир бир ёқадан бош чиқариб ишламоқ ҳаммасидан ҳам зарил бўлиб қолди. Бу гапни мен, айниқса, ёшларга кўп айтаман. Ишқилиб инсофли, диёнатли бўлинглар. Меҳнатдан қўрқманглар. Шу азиз Ватанни кафтларингга кўтариб юринглар, дейман.

А. ПАХОМОВ,
Жарқўрғон нефть кони бошқармасининг муҳандиси.

БОЛАЛИГИМДАН ҚУЛОҒИМГА ҚУЙИШГАН

Ҳар бир кишида эътиқод, албатта, бўлиши кераклиги ҳақида болалигимданоқ қулоғимга обдон қуйишган эди. Аслида ҳам шундай бўлиши керак-да! Майли у хоҳ диний, хоҳ партиявий ишонч бўлсин, аммо инсон бирор муқаддас туйғуга интилиб яшасин экан.

Ишлигимдан қаримлик қилсам-у, эл-юртга бирор нафим тегса, деб орзу қилардим. Ва, ниҳоят, ниятимга етдим. Марказий шифохонада хизмат қиламан. Кунига неча-неча беморларни қабул қилиб, дардига шифо бераман.

Юртимиз истиқлолга эришгач, бошқалар қатори менинг ҳам қувончимга-қувонч қўшилди. Янада астойдил ишлаш, элга садоқатли бўлишни ният қилдим. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Дастури билан танишиб чиқдим. Ундаги фикрларни ўқигач, бир қанча умуминсоний қарашлар шу Дастурда мужассам эканлигига иқрор бўлдим. Партияга ўз интилишим, идроким билан кирдим. Бошланғич ташкилотга «Мени Ўзбекистон Халқ демократик партиясига қабул қилишингизни сўрайман», деб ариза бердим. Ҳамма суҳбат-у синовлардан муваффақиятли ўтиб, партия аъзоси билетини қўлга олгач, ўзимда ажиб бир ўзгариш сездим.

Мен билан бирга туман санитария-эпидемиология станцияси ходимлари — Зиёда Назарова, Сабохон Нурбоева, Гулнора Мўминова, Матлуба Тўхтабоева каби ҳамкасбларим ҳам аъзолик билетларини шод-у хуррамлик билан қабул қилиб олишди.

Партия аъзоси бўлиш бугун жуда-жуда муҳим, деб ўйлайман. Олий Мажлисга сайловлар тўғрисидаги Қонун лойиҳаси дастлабки ўқишда қабул қилинганидан сўнг бу масала янада қатъийлашди, деб ҳисоблайман. Негаки, барча партиялар ўзининг энг муносиб аъзоларини Олий Мажлисга номзодликка қўяди. Бунда ўз-ўзидан давр нафасини сезиб-билиб турган одамлар ўртасида беллашув кетади, десам муболаға бўлмас. Очиғи, бу ишларнинг ҳаммаси шахсий ахлоқий жиҳатдан юксак даражада пок бўлган, ишнинг кўзини биладиган ғайратли ва билимдон кишилар томонидан бажарилиши зарур.

Мен партия аъзоларининг ана шундай юксак инсоний фазилатлар эгаси бўлмоқларини истайман. Тўғри, яширмайман, эски партия аъзоларининг айрим табақалари одамлардан, оддий фуқаролардан айри яшашди. Уларнинг яшаш жойларию бошқа имтиёзлари ҳақида гапирмай қўяверай. Оқибати шахсий ноқамтарликка бориб етди.

Бугунги кунда партия аъзоси бошқача бўлиши керак. У амал учун, бошқа имтиёзлар учун ариза бермаслиги лозим. Шуни тушуниб етдимки, ҳозир партия аъзосигина эмас, унинг юқори девондаги масъул ходимлари ҳам амалдорлар эмас, балки халқ хизматкорларидир. Мен буни чуқур ҳис этдим ва халққа хизмат қилиш партия орқали ҳам амалга оширилиши зарур, деб билдим. Шунинг учун партия сафига кирдим.

Маматвали ҚОБУЛОВ,
Уйчи марказий шифохонаси болалар ҳакими.

• Котиблар ҳақида ҳикоялар

Қалам аҳли табиатан қизиқ бўлади. Тақдир тақозоси билан касб-корини алмаштирганда ҳам газетадан, таҳририятдан кўнгил узолмайди. Ойда бир ё икки марта ўзи севган мавзудаги қораламани бўлимга топшириб, бир пиёла чой устида гурунглашиб кетмаса, кўнгли жойига тушмайди. Раҳматилла ҳам шундай — танглайи қаламда кўтарилганлар сирасига киради.

ТАНГЛАЙИ ҚАЛАМДА КЎТАРИЛГАН

Уни ўқувчилик йиллари — Қибрай туманининг «Давр овози» («Коммунизм тонги») газетасига серқатнов бўлиб қолган пайтидан бери биламан. Ҳар сафар долзарб мавзуда хабар ёки мақола олиб келарди. Кўриниши жиддий, камгап ва тиришқоқ ўспиринлар келгусида яхши журналист чиқишини қалбдан ҳис қилардик. Шундай бўлди ҳам. ТошДУнинг журналистикасини битирибоқ «Тошкент оқшоми»га ишга келди. Сўнгра вилоят газетаси таҳририятида ғайрат билан ишлади. Бўлимни бошқарди. Кейинроқ Қибрай тумани райқўмига масъул вазифага чақиришди. У пайтлар партия топшириғини икки қилиб бўлмасди. Рози бўлди. Райжроқўмда раис ўринбосари вазифасида ишлаганда юзлаб фуқароларнинг ҳақли талаб-истакларини рўёбга чиқарди. Шу боисми ёки умуман, савобли юмушларни яхши кўрганиданми — туман миқёсидаги йиғинларда унинг исми-шарифига «ҳурматли» сўзини қўпгиб ишлатадиган бўлишди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси тузилиб, унга биринчи котиб сайланаётганда ҳам «Ҳурматли Раҳматилла Шералиевдан бошқа муносиб номзод йўқ» дедилар. Ҳатто вилоят партия кенгаши тавсия этган номзод ҳам ўз фикридан қайтишга мажбур бўлди. Начора, демократия дегани ўзи шунақа бўлиши керак-да!

Котиб бўлгандан кейин ҳам турли вақтларда, турли йиғинларда ва нишхонасида мулоқотга киришиш-раган кенгаш ушбу корхона ёки ташкилот раҳбари ёки бошланғич ташкилоти билан қейинчалик қандай алоқада, муомалада бўлади? Еган оғиз уялар деганларидек, хоҳлаймизми, хоҳламаймизми шу бошланғичлар билан муросасозлик қилишга мажбур бўлади. Маълумки, талабчанлик бўшашган жойда...

Унинг кўриниши яна жиддий тус олганди. Жўшиб келган фикрларини гўё айни сонияда қоғозга тушираги шахсий ҳаётида бирон гап бўлдимикин ёки партиявий юк оғирлик қилаётганмикин?» деган андишада савол беришга шошилмасдим. Ва, ниҳоят, шундай вақт келди. Гурунгимиз жараёнида шунақанги вазият туғилдики, энди унинг ўзи ҳеч қандай савол, қистовсиз кўнглини ёзишга мойиллик сезди.

— Ҳозир кўпгина туман партия кенгашлари ўз-ўзини маблағ билан таъминлашда қийналяпти,— деди у, — вазиятни ўнглаш учун баъзи кенгашлар тадбиркорлик йўлидан боряптилар. Масалан, кичик цехлар очишяпти, тижорат билан шуғулланишяпти, ҳомийлар излашяпти ва ҳоказо. Менимча, ҳомий излаш йўли ўзини оқламайди. Чунки, бу саъй-ҳаракатлар вақтинча, мавсумий тусга эга. Айтайлик, партия кенгаши қачонгача ёрдам сўраб корхонама-корхона юриши керак? Умуман, маблағ сўдигандай қўлига қалам олди. Мен мулоҳазамни айтдим:

— Балки фикр-мулоҳазаларингизни қоғозга бафуржа тушириб берарсиз? Мақолани ўзингиз номингиздан чоп этсак-чи?

— Унда ноқулай бўлар-ов, ҳар ҳолда шундай қилинганда ҳам амалга оширилган арзимас ишларни пеш этгандай, мақтангандай бўлиб қоламиз.

Тўғрисини айтганда, айрим котибларимиз худди шундай йўл тутишяпти.

— Юқорида қизиқ мулоҳазаларни айтдингиз. Масалан, ҳомийлар қўлига қараб қолиш сингари мулоҳазаларингиз. Демак, сизда кенгашни маблағ билан таъминлашнинг бошқача йўллари ҳақида аниқ таклифлар борга ўхшайди?

— Ҳа, бор. Менинг таклифим— ХДП аъзолари сонини ошириб боришдан иборат. Айни пайтда туман бўйича аъзолар 1500 нафардан зиёдни ташкил этади. Агар бу кўрсаткич 2000 нафарга етказилса, улардан тушган аъзолик бадаллари ҳисобига кенгаш ўз-ўзини маблағ билан бемалол таъминлаши мумкин.

Агар сезган бўлсангиз бу ерда гап фақат аъзолар сонини ўстиришда эмас, балки сафни сифат жиҳатидан мустаҳкамлаш тўғрисида ҳам бормоқда. Хўш, бунинг учун кенгаш қандай тадбирларга қўл ураётир? Аввало, биринчи котибнинг шахсан ўзи партия аъзолари энг кам бўлган корхона, ташкилотларга бориб сусткашлик сабабларини ўрганди. Бошланғич партия ташкилотлари котиблари билан бирма-бир суҳбатлашди. Айрим ҳолларда эса ушбу корхона раҳбарининг ҳисоботи кенгашда эшитилди. Янги Тошкент консерва заводи, Қибрай салқин ичимликлар ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарлари билан ҳам шундай иш тутилди. Натижа яхши бўлди. Фақат бирлашманинг ўзидан февраль ойида 60 нафар ишчи ХДПга аъзо бўлиб кирди. Март ойида туман ижтимоий таъминот бўлими мудири Қувонтой Бекбўлатов ҳисоботи кўрилди. Ҳисобот муҳокамасида бир қанча камчиликлар аниқланди ва уларни ҳамкорликда тугатишга киришилди.

Туман халқ таълими бўлими раҳбарлари билан яқин мулоқот ҳам бесамара кетмади. Жами 44 та мактабда сиёсий-тарбиявий ишларни янада жонлантиришга хизмат қилгувсидир. Туман партия кенгаши ўз тарафдорларини кўпайтириш мақсадида фақат юқоридаги тадбирларни амалга ошириш билан қаноатланмади. Компартиядан мерос қолган кутубхонадаги 3 мингтадан зиёд китобни халқ таълими бўлимига тортиқ қилди. Ўтган йил сентябридан бошлаб 6 нафар иқтидорли ўқувчига кенгаш ҳисобидан стипендия таъсис этилди. Буларнинг ҳаммаси ўқитувчиларда ХДПга нисбатан хайрихоҳлик уйғотмасдан қолмади.

Партия аъзолари энг кўп ҳисобланган Фануза Каримова, Пўлат Ортиқбоев ва Камол Содиқов етакчи бўлган бошланғич ташкилотларда ҳам айни пайтда молиявий мустақилликка эришиш, Миллий истиқлол мафкурасини турмушга татбиқ этиш, сайловларга тайёргарлик бўйича қатор тадбирлар амалга оширилаётир. Шунингдек, туманда ҳудудий партия ташкилотларини кўпайтиришга ҳам жиддий эътибор билан қаралмоқда. Ҳозиргача улар сони 9 тага етди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, кенгаш уюштирган Ўзбекистон Герби, Мадҳияси ва республика Президентига меҳр-муҳаббат уйғотишга мўлжалланган ҳамда «1993 йилнинг энг яхши тарбиячиси» кўрик-танловлари туман меҳнаткашлари томонидан яхши баҳоланди. Моддий жиҳатдан ночор кишиларни ижтимоий ҳимоялаш масаласида ҳам кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Суҳбатимиз пировардида биринчи котибдан партиявий ишларни янада жонлантириш ҳусусидаги фикрини сўраймиз.

— Юқорида айтганимиздек, вақтинчалик бўлса ҳам бошланғич партия ташкилотлари котибларидан ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда фойдаланиш керак. Биз ойнинг маълум бир кунини «Котиблар куни» қилиб белгилаб қўймоқчимиз. Улар билан турли мавзуда мулоқот, семинар-кенгашлар ўтказиш ниятимиз бор. Бу тадбирлар бориб-бориб «Сиёсий кун»га айланади. Агар хўжалик, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ўринбосарларидан котиб сифатида фойдаланса, айни муддао бўларди. Шундай қилинса, партиявий ишларни марказлаштиришга эришган бўлардик...

Раҳматилла яна илҳом оғушида эди. Зотан, ижодкорда илҳом, жўшқинлик бўлмаса, юраги дард билан ёнмаса, келажакка умид ҳам сўнажак...

Абдунаби МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Иқтисодиёт янгиликлари*

ТАДБИРКОРЛАР ТАШРИФИ

Италиялик бир гуруҳ тадбиркорлар Наманганга ташриф буюришди. Меҳмонлар сафида Италиянинг ташқи савдо институти Москва бюроси директори, доктор Франческо Сирени, шу институтнинг қўшимча савдо бошқаруви директори, доктор Гунаро Минчоне, савдо компаниялари Италия Миллий уюшмаси бош котиби ўринбосари, докторесса Рафаэлла Перино Италия ташқи савдо институтининг Москва бюроси ходими, шу институтнинг Ўзбекистондаги вакили Хуршид Бобошев бўлиб, улар Наманган саноатчилари билан амалий ҳамкорлик қилиш тўғрисида музокаралар олиб боришди.

Италиялик меҳмонларни вилоят ҳокими Б. Рапиғалиев қабул қилди ва уларга эсдалик совғалари инъом этди. У тадбиркорларга вилоят тўғрисида ахборот берди. Меҳмонларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Қабул чоғида вилоятдаги бир қатор йирик саноат, савдо корхоналарининг раҳбарлари иштирок этишиб, италиялик тадбиркорлар билан ҳамкорлик қилиш бўйича ўзаро фикрлашиб олдилар. Меҳмонлар илғор технологияга асосланган ишлаб чиқариш воситаларини жўнатишга рози бўлдилар.

Раҳимжон ИРИСОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЧЎЛҚУВАРЛАР УЧУН ЗАВОД

Қоровулбозор — Бухоро вилоятининг кенжа туманларидан бири. Бу ерда чўлқуварлар учун уй-жойлар, маданий-маиший хизмат кўрсатувчи ҳамда маҳсулотларни қайта ишловчи корхоналар тезкорлик билан қуриляпти.

«Бухороирдавлатхўжаликқурилиш» трестининг 48-механизациялашган кўчма колоннаси бунёдкорлари яқинда чўлқувар пахтакорларга йилига 5000 тонна пахта толаси ишлаб чиқарадиган заводни қуриб топширдилар.

Энди Қоровулбозор пахтазорларида етиштириладиган хом ашёни қайта ишлаш учун Когон шаҳрига ташиш ташвиши бартараф этилди.

Дилрон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Қонун олдида барча баробар*

Аслида гап қонунларимизнинг устиворлигини таъминлаш ҳақида. Чунки орамизда билиб-билмай қонунга чап беришга уринишлар ҳамон учраб турибди. Бундай қусурлар ёмон оқибатларга олиб келишини баъзилар англаб ололмаяпти. Ваҳолонки, қонун ҳамма амал қилиши зарур бўлган ҳуқуқий ҳужжатдир.

Тўғри, Ўзбекистон мустақил давлат бўлгач, мамлакат тараққиётини таъминлаш ҳаракати авж олиб кетди. Ўзбекистон Конституцияси талаблари доирасида қисқа фурсатда анчагина ишлар қилинди. Энг муҳими, мамлакатни иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан юксалтириш тамойилларига эга бўлдик. Ушбу тамойилларда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва бозор иқтисоднётига босқичма-босқич ўтиш ҳам алоҳида эътиборга олинганки, бугунги суҳбатимиз мавзуи айнан шу масалалар билан узвий боғланиб кетади.

Мавзу оддий кўринса-да, таг-заминли. Президент фармонлари, ҳукумат қарорларига жойларда қандай риоя этилаётгани, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг бу жабҳадаги фаолияти ҳақида гап боради.

ҚАДАМНИ БИЛИБ БОСГАН ЯХШИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИНИНГ УМУМИЙ НАЗОРАТ БОШҚАРМАСИ БОШЛИҒИ, ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҲУҚУҚШУНОС ВАЛИ ҚОСИМОВ БИЛАН СУҲБАТ

— Вали Кабирович, дастлаб қонуннинг устиворлиги, ҳуқуқий жамият сари одимларимиз ҳақида гап очсак.

— Бу ҳақда мушоҳада юритиш ҳақиқатан кўнгилли бўлурди. Ўзбекистон миллий истиқлолга эришган, мустақилликни қўлга киритганининг ўзи катта гап. Минг қатла шукрки, мустақил давлатнинг ривожланиш тамойиллари ишлаб чиқилди. Бу тамойиллар аллақачон амал қила бошлади. Ҳуқуқий демократик давлат яратиш йўлидан бориляпти. Буни фақат бизнинг мамлакатда эмас, жаҳондаги қилни қирққа ёрувчи билимдон ҳуқуқшунослар, давлат арбоблари ҳам юқори баҳоламоқдалар.

Бу — биринчидан. Иккинчидан эса қонун устиворлиги — ҳуқуқий давлатнинг асосий талабларидан бири, бутун жамоатчилик амал қилиши зарур қонун-қоидалар. Ҳеч бир давлат органи, ҳеч қайси хўжалик юритувчи ва ижтимоий-сиёсий ташкилот қонун талабларидан четда туролмайди.

Биз ҳуқуқий демократик давлат тузиш йўлидан дадил бораётган эканмиз, қонунларимизнинг устиворлиги учун тинмай курашмоғимиз, бу йўлдаги ғовларни таг-томири билан суғуриб ташлашимиз керак. Қонуннинг устиворлиги шуни билдирадики, асосий ижтимоий муносабатлар, даставвал иқтисодий муносабатлар фақат қонун йўли билан тартибга солинади. Бу тартибга амал қилмаганлар ҳеч бир истисносиз ҳуқуқ меъёрларини бузган саналадилар ва улар қонун олдида жавобгар бўладилар. Президентимиз Ислом Каримов «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» рисоласида одилона таъкидлаб ўтганидек, қонун устиворлиги — ҳуқуқий давлатнинг асосий қонунидир. Ҳеч бир давлат органи, ҳеч бир хўжалик юритувчи ва ижтимоий-сиёсий ташкилот, ҳеч бир мансабдор шахс, ҳеч ким қонунга бўйсуниш мажбуриятидан ҳалос бўлиши мумкин эмас.

— Прокуратура органлари ходимларини қонун устиворлигини таъминловчи жанговор посбонлар деб таърифласак янглишмасмиз. Айтингчи, прокуратура органлари қонун устиворлиги йўлида нима ишлар қилмоқдалар?

— Биласиз, республикамизда бозор муносабатлари ва иқтисодий ислоҳотлар шаклланиб, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда хусусийлаштиришнинг дастлабки босқичи амалга оширилди. Давлатнинг минглаб иншоотлари мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантирилди. Давлат ҳамда идораларга қарашли уйжой фондини хусусийлаштириш асосан тугалланди. Маҳаллий саноат, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, шунингдек савдо дўконлари ва умумий овқатланиш тармоқлари тадбиркорлар ихтиёрига хусусий мулк қилиб берилди.

Таъкидлаш лозимки, бу босқичда турли-туман ғовларни енгиб ўтишга, тўсиқларни бартараф этишга тўғри келди. Бу курашда мустақил республикамиз ва унинг бунёдкор меҳнаткашлари манфаати йўлида хизмат қилаётган прокуратура органлари ходимлари ўз ўринларини топа олдилар. Улар мамлакатимиз истиқболи ва мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида жонбозлик кўрсатиб келмоқдалар.

Фуқаролар ва тадбиркорлардан тушаётган мурожаатлар, айрим ахборотлар асосида тегишли мутахассислар ёрдамида бозор муносабатларининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берган қонунларнинг ижроси назоратдан ўтказилди. Қонунларнинг аниқ бажарилишини таъминлашга қаратилган 12 мингдан ортиқ текшириш ўтказилди. Йўл қўйилаётган қонун бузилиши ҳолатлари бартараф этилишини талаб қиладиган 9 мингдан ортиқ тақдимнома берилди. Корхона ва ташкилот бошлиқларининг қонунларга хилоф равишда қабул қилган 6 мингга яқин буйруқ ва фармойишларига раддиялар (протестлар) киритилди. Шу тариқа жамиятимизнинг ҳуқуқий асослари ҳимоя қилинди.

Нималарга дуч келганимизни айтаймиз? Марҳамат. Халқимизнинг ҳуқуқий жамият сари интилиши йўлида ғов бўлиб турганлар— маъмурий-буйруқбозлик усулидан воз кеча олмаётган, иқтисодиётни моҳирлик билан бошқара олмаётган, унга эскича йўл билан тўсиқ бўлаётган, қонунларни ҳурмат қилмаётган 12 мингдан кўпроқ мансабдор шахслар прокуратура органлари томонидан расмий огоҳлантирилди. 6 мингга яқин раҳбарларга қонун бузилишларини зудлик билан бартараф этиш тўғрисида ёзма амрномалар берилди.

Мустақил давлатимизнинг қонунларига ҳурматсизлик билан қараб, ўз ҳаракатлари билан давлат ва фуқаролар манфаатига путур етказган шахслар прокуратура талабига асосан интизомий, маъмурий ва моддий таъсир чораларига тортилдилар. Қасддан иқтисодий жиноятлар содир қилган мингдан ортиқ шахслар жиноий жавобгарликка тортилдилар.

Хулоса шундан иборатки, иқтисодий ислоҳот муваффақияти қонун устиворлиги амалда таъмин этилишига боғлиқдир. Прокуратура органларининг фаолияти ҳам ана шу муваффақиятни амалда таъминлашга қаратилган. Ҳозирги кунда мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотлар чуқурлашиб бориши билан прокуратура органларининг назорат фаолиятлари ҳам такомиллаштириб борилмоқда. Давлат мулкини хусусийлаштириш; кўп тармоқли иқтисодиётни шакллантириш; чет эл сармоясини кўпроқ жалб қилиб, ундан унумли фойдаланиш йўлида юз бераётган ҳар қандай тўсиқлар, расмиятчиликлар ва кўзбўямачиликларга нисбатан кескин кураш олиб борилмоқда.

Президентимизнинг 1994 йил 21 январдаги «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони иқтисодий ислоҳотлар жараёни бошқарувини такомиллаштириш йўлида кескин бурилиш бўлди. Республика ҳаётининг барча соҳаларида иқтисодий ислоҳотларни жорий этиш юзасидан ишларни мувофиқлаштирувчи Ўзбекистон Президенти ҳузурида ва Президентнинг шахсан раҳбарлигида иқтисодий тадбиркорлик ва хорижий инвестициялар бўйича Идораларо кенгаш ташкил этилди.

— Қонун бузилишига оид алоҳида ишлар ҳам кўрилган, албатта. Фуқаролар кўтарган масала ҳал бўлганига доир мисол келтиролмайсизми?

— Дарҳақиқат, ҳуқуқтартибот органлари ишидан бехабар кишилар ҳам топилади. Ваҳолонки, тегишли маблағ ва имкониятларга эга бўлган хусусий мулк эгаларининг ҳаммасига зарур имтиёзлар, шу жумладан, кредитлар ва Конституция доирасида давлат кафолатлари берилди. Барча давлат тизилмалари ва мансабдор шахслардан хусусийлаштириш хусусидаги Фармонни сўзсиз бажаришлари талаб этилди.

Хусусий мулкчилик ҳуқуқига нисбатан ҳар қандай тажовуз қонун билан қатъий бартараф этилиши назарда тутилди. Айтиш лозимки, хусусий мулкчиликни ривожлантиришга ҳар қандай йўллар билан тўсқинлик қилаётган раҳбарлар ҳам учрамоқда.

Буни Фармон қабул қилинганидан сўнг прокуратура органларига ёрдам сўраб йўлланган мурожаатлар кўрсатиб турибди.

Улар юзасидан текширишлар ўтказилиб, тадбиркорлар манфаати ҳимоя қилинмоқда. Масалан, Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ошхоналар трести, ҳозир Яккасарой «Таом» уюшмаси деб аталмиш корхона бошлиғи Ҳожибек Ўрмонов ўзлари ишлаб турган умумий овқатланиш корхонасини хусусийлаштиришни сўраб мурожаат қилган хизматчиларига асоссиз рад жавоби берган. Улар илтимосини ўз вақтида ҳал этмасдан сансалорликка йўл қўйиб келган. Сансалорликдан безор бир гуруҳ тадбиркорлар мурожаатига биноан, трест бошлиғи прокуратурага таклиф этилиб, огоҳлантирилгандан сўнггина корхона хусусийлаштирилди ва тадбиркорлар иш бошлаб юбордилар.

Корхоналарни хусусийлаштиришда Шайхантоҳур тумани ошхоналар трести раҳбарияти ҳам сансалорликка йўл қўйган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 10 декабрдаги «Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида текширишларни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармони билан қайси идорага буйсунишдан ва мулкчилик шаклидан қатъий назар, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида текширишлар ўтказиш ҳуқуқи фақат солиқ органлари томонидан, молия органлари мутахассислари иштирокида, қонунларга мувофиқ равишда амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Аммо айрим соҳаларда Президент Фармонининг бу талабларига итоат этмаётган, корхоналар фаолиятига асоссиз аралашаётган раҳбарлар ҳам учраб турибди.

Ўзбекистон автомобиль транспорти давлат акционерлик корпорацияси ташқи савдо-транспорт бирлашмаси — «Ўзинтранс» бош директори Б. М. Қосимов Ўзбекистон — Хитой савдо-транспорт қўшма корхонаси низоми ва амалдаги қонунларга хилоф равишда унинг фаолиятини маъмурий-буйруқбозлик йўли билан тўхтатиб қўйган. Қўшма корхона жамоасининг мурожаатига асосан, прокуратура органлари аралашувидан сўнг бу қўшма корхона ҳуқуқи ҳимоя қилиниб, республикамиз манфаати йўлида ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Тадбиркорлар ўз фаолиятларини қонунларга асосан амалга оширмоқлари зарур. Лекин кўп ҳолларда тадбиркорлар ўз низом ва дастурларида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш билан шуғулланиш вазифасини кўрсатадилар-у, амалда фақат олди-сотди билан шуғулланадилар. Текширишларда ҳар 100 тадбиркор ва кичик корхонадан фақат 30 тасигина халқ истеъмол моллари ишлаб чиқараётгани, қолган 70 таси эса олди-сотди билан шуғулланаётгани маълум бўлди. Буни солиқ органлари ва ҳокимиятлар тартибга солишлари лозим.

Хуллас, ҳар бир фуқаро — у ким бўлиши, қандай вазифада ишлашидан қатъий назар — бир иш қилганда, тадбиркорлик билан шуғулланганда қадамини билиб босгани яхши. Акс ҳолда прокуратура назорати кўзгусига тушиб қолишлари, ҳатто жазоланишлари ҳам мумкин. Келажакда буюк давлат тузмоқчи эканмиз, қонун талабларидан ҳамиша огоҳ бўлганимиз маъқул.

Жўра ХОЛҚОСИМ
суҳбатлашди.

ҲАҚ-ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

САВОЛ: Одоб, ахлоқ доирасида суҳбатлашиб ўтирган йигит-қизни милиционер тергаб, ҳужжат сўраши, уйланганми, қайси жойда таҳсил олади кабиларни суриштириши тўғрими?

А. Қодиров. Шаҳрисабз.

ЖАВОБ: Бундай пайтда милиция ходимининг суриштиришга ҳаққи йўқ. Фуқаролар ҳужжатларини текшириш фавқулодда ҳолат эълон қилинган тақдирдагина рухсат этилади.

* * *

САВОЛ: Бировга 50 минг сўм қарз берган эдим. Орадан анча вақт ўтяпти. Ҳамон омонатим қайтарилгани йўқ. Энди нима қилишим керак?

Н. Аслонов. Сирдарё.

ЖАВОБ: Агар сиз қарз берган пайтингизда уни нотариус идораси орқали тасдиқлатган бўлсангиз Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 479-моддасига биноан жавобгар яшайдиган туман халқ судига фуқаролик даъво аризаси билан мурожаат қилишингиз мумкин. Агар юқорида кўрсатилганидек, ҳужжатлаштирилмаган бўлса, унда ички ишлар бўлимига мурожаат қилингач фирибгар Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 129-моддаси билан жавобгарликка тортилиши мумкин.

* * *

САВОЛ: Ишга келаётувдим, бир енгил автомашина ҳайдовчиси ифлос сув сачратиб кетди. Мен бу одобсизлик ҳақида кимга мурожаат қилишим керак эди?

А. Самадова. Тошкент.

ЖАВОБ: Бундай ҳолларда ўша автомашинанинг давлат номери ёзиб олинади ва ДАН ходимларига мурожаат қилинади.

* * *

САВОЛ: Рақибларим ёмон ният билан чўнтагимга пул солиб қўйишибди. Пора олаётганда ушланди маъносида. Энди ўзимни қандай оқлайман?

Т. Қосимов. Жиззах.

ЖАВОБ: Бу ниҳоятда мушкул иш. Сиз адвокат олишингиз керак бўлади.

Зоҳро СОЛИҲОВА,
ҳуқуқшунос.



Мустақил Ўзбекистоннинг келажаги малакали, саводли ва тадбиркор мутахассисларга боғлиқ. Жиззах сут заводи ходимлари бозор иқтисоднёти шароитида ҳар бир давлат корхонаси қатори катта иқтисодий қийинчиликларга дуч келишди. Шу боис кўп изланишларга тўғри келди.

Бир йил аввал завод «Жиззахсут» ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Корхона раҳбари Аҳмад Бўронов қисқа вақт ичида ишлаб чиқаришни боши берк кўчадан олиб чиқиб, уни фойда келтирадиган тармоққа айлантирди. Буни маҳсулот турларининг кўпайганидан ҳам сезса бўлади. Фақат пишлоқнинг ўзидан тўрт хили ишлаб чиқарилаётир. Голланд, адигей, юмшоқ ва колбасасимон пишлоқлар шулар жумласидандир. Умуман корхонада 20 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилаётир. Буларнинг ҳаммаси тотлилиги билан ажралиб туради. «Шифо» деб аталган сут ичимлиги ҳам тайёрланаётир. Бу янгилик ҳаридорлар томонидан яхши кутиб олинди.

Ишга янгича ёндашиш ўзининг самараларини бермоқда. Шу йилнинг дастлабки чорагида 1 миллиард 600 миллион сўм-купонлик маҳсулот тайёрланди. Ҳиссадорлик жамияти ўзининг тўртта фирма дўконига эга. Яна учтаси қурилмоқда. Яқин келажакда корхона ўз маҳсулотидан ташқари бошқа соҳаларга ҳам қўл уради. Ишлаб чиқариш базасини кенгайтириш билан бирга ғишт ишлаб чиқарадиган цех ҳам фойдаланишга топширилди. Махсус қийим тайёрлаш масаласини ҳам ўз кучлари билан ҳал этишди. Ҳиссадорлик жамиятида тикувчилик ишлаб чиқариши ҳам йўлга қўйилди.

Маҳсулот сифатининг юқорилиги, унга бўлган талабнинг ошиб бораётганлиги кўплаб савдо ташкилотлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш имкониятини берди.

Суратда: ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Равшан Каримов корхонада тайёрланган тайёр маҳсулотларни намойиш этмоқда.

Б. ТУРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

• *ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ*

УЙҒОНАЁТГАН ТАРИХ

Ўзбекистонимиз мустақилликка эришган экан, унинг тақдирини Марказий Осиё мамлакатларида ва жаҳон сиёсатида кенг обрўга эга бўлган ҳозирги даврнинг билимдон давлат раҳбари, юртбошимиз айтганидек, онг мустақиллиги ҳал этади. Эндиги бутун саъй-ҳаракатларимиз, давлат, мактаб ва олий таълим тизими, мафкура воситалари, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар ҳам фақат онг мустақиллигини таъминлашга қаратилмоғи керак.

Қачонки, давлат тизими ва ижтимоий-маънавий муносабатлар адолат ва умуминсоний қадриятлар асосида қурилсагина ўша давлат мафкураси узоқ замонлар яшаши мумкинлигини юртбошимз таъкидлаган эди.

Тарихдан маълумки, ҳар қандай давлат тизими аввламбор ёшларга таълим-тарбия ва аждодлар яратган билимларни беришни ўз олдига бош мақсад қилиб қўяди. Ўзбекистон давлат тизимининг ёшларни ўқитиш ва билим беришдан бош мақсади хоҳ мактабда, хоҳ олий таълимда бўлсин, аввало кеча, бугун ва истиқболнинг моҳиятини тушунадиган, халққа хизмат қилишдек масъулиятни зиммасига оладиган, меҳнатни моддий ва маънавий неъматлар яратиш манбаи деб биладиган адолатли қонунлар билан қўриқланадиган ахлоқни ўз шахсий фазилатларида намоён қиладиган маърифатли шахсни тарбиялашга — онг мустақиллигини таъминлашга қаратмоғи керак.

Инсон, маънавиятида қадимдан тарих, фалсафа, адабиёт ва санъатнинг ўрни бўлакча бўлиб келган. Зеро, бу фанлар инсоният тараққиётини, умуминсоний қадриятларни, тафаккур такомилини ўзида намоён қилади. Бу фанлар маданиятшуносликда умумлаштирилади. Аёнки, ижтимоий фанлар марксча-ленинча назариянинг ижтимоий-иқтисодий босқичлар (ибтидоийлик, қулдорлик, феодализм, капитализм, социализм) қолипи асосида ўқитиб келинди. Бу қолипга кўра инсоният тарихи—инқилобий курашлар тарихи тарзида талқин қилиниб, ўтмишга қора балчиқ чапланди. Хўш, инсоният тараққиёти қайси мезонда даврлаштирилади? Бизнингча, бунда умуминсоний қадриятлар ва инсоннят тараққиёти бош мезон қилиб олиниши керак. Ана шу мезондан келиб чиқиб маданият ҳақида сўз очсак, гапни Шарқдан бошлаш керак бўлади.

Ҳа, биз Шарқ замини фарзандларимиз. Ер юзида одами сафий пайдо бўлганидан буён миллион йиллар ўтди. Тош, сопол, суяк буюмлар, имо-ишоралар ва сўзлашув, хурсандчилик ва шодмонлик, хатти-ҳаракатлар, рақс ва ўйинлар, табиат ҳодисалари ҳақидаги тасаввурлар, ертўла ва чайлалар одам боласининг илк машғулотлари эди. Қабиларчилик ва давлатлар пайдо бўлиши билан турли ижтимоий-маънавий ва иқтисодий муносабатлар қарор топди. Шу тариқа қадимги Шарқда кишилик маданиятининг саҳифалари бошланди. Қадимги Шарқ маданияти деганда Шимолий Шарқий Африка, Олд Осиё, Жанубий ва Шарқий Осиёдаги Эрон ясси тоғлиги, Турон, Эрон, Ҳиндистон ва Хитойнинг кенг сарҳадларида яшаган халқларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Зеро, илк чорвачилик ва суғорма деҳқончилик Шарқда қарор топди. Илк қишлоқлар ва шаҳарлар, биринчи давлатлар ва салтанатлар Шарқда юзага келди. Дин, санъат, илм-фан куртаклари — коинот, ҳайвонот ва наботот олами узра Ҳазрати одамнинг пайдо бўлиши ҳақидаги илк тасаввурлар ҳам дастлаб Шарқда туғилди.

Қадимги Шарқ маданияти инсоният тарихидаги энг муҳим муаммолардан бири — қадимги давлатларнинг вужудга келиши ва тараққий этишини кузатиш имконини беради. Бу халқларнинг диний, ҳуқуқий ва ахлоқий қарашлари адабиёт ва санъатда ёрқинроқ кўринади. У кейинчалик Ғарб маданиятига ҳам негиз бўлиб хизмат қилди. Ғарбда Мисрдан тортиб Шарқда Тинч океанигача чўзилган кенг сарҳадларда яшаган халқларнинг асрлар қаъридан ўтиб, бизгача етиб келган ёзма манбалари, моддий, маданий ёдгорликлари қадимги Шарқ маданияти ҳақида муайян тасаввур беради. Аммо бу хусусда Ғарб шарқшунослигида кўплаб тадқиқотлар яратилган бўлса-да, биз уларнинг аксариятидан бехабармиз.

Уларнинг маданияти маҳдуд, диний тасаввуфчиликдан бошқа нарса эмас, адабиёт ва санъат подшолар ва саройни мадҳ этган, деб бизни чалғитишди. Ваҳолонки, Шарқ халқлари ўзига хос, бетакрор маданияти билан инсоният тараққиётига муносиб ҳисса қўшган.

Инсоният яратган моддий ва маънавий ёдгорликларнинг таг замини Шарқ халқлари ижоди маҳсулидир. Биргина мисол: илоҳий ҳақиқат ва инсон тафаккури мўъжизаларини ўзида намоён этувчи динлар — зардуштийлик, будда, яҳудийлик, насронийлик, мажусийлик ва исломнинг ватани Шарқдир! «АВЕСТО», «ТАВРОТ», «ҚУРЪОН» каби муқаддас китобларнинг ватани ҳам Шарқ! Ислом маданиятининг сарҳадлари нақадар кенг. Буни овруполик мутафаккирлар ҳам эътироф этадилар.

Ўрта асрлар Хитой ва Япон маданиятини олайлик. Академик Н. И. Конрад тадқиқотларида бу халқлар инсоният маданиятига катта ҳисса қўшганлиги айтилган. Хитой халқи узоқ замонлардан бери жанубий Шарқда Ҳиндистон, Ўрта Осиё, айниқса, Шарқий Туркистонда яшовчи туркий халқлар билан ижтимоий-иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатганлар. «Буюк ипак йўли» деб аталган жаҳон маданиятидаги кенг тушунчани ҳам Хитой маданиятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Академик Конраднинг «Ғарб ва Шарқ» китобида Бағдод ҳалифалиги ҳақида Тан салтанати давлат чегараларини кенгайтириш мақсадида бири Ғарбга (Тан салтанати қўшинлари), иккинчиси Шарққа (Бағдод халифалиги қўшинлари) юриш бошлаб, Талас водийсида тўқнашганлиги ёритилади. Улар ўртасида бўлиб ўтган жангда кучлар тенгма-тенг келади. Шу жой икки буюк салтанатнинг чегарасига айланади. Шубҳасиз, булардан шуни англаш мумкинки, араб маданиятининг таъсири Моваройнаҳр, Шарқий Туркистон орқали Хитойга, ундан Японияга етиб борган.

Тўғрисини айтганда, ўзбек халқининг бутун бир авлоди ўз ўтмиши, маданиятидан бехабарликда тарбияланди. Насроний илоҳиётчи Августин «Гафлатда ётган халқни уйғотиш учун унинг тарихини уйғот», деган экан. Кўз тегмасин, тарихимиз уйғона бошлади.

Ислом маданияти Шарқ халқлари, жумладан, ўзбек халқлари тақдирида янги саҳифалар очди. Жаҳон маданиятининг ёруғ юлдузлари бўлмиш ватандошларимизнинг машҳурлиги албатта маданиятнинг маҳсули эди. Бу ҳақда янги тадқиқотлар яратилиши керак. Турон замин халқларининг X—XIII асрлардаги маданияти ҳақида ҳам ифтихор билан сўзлаш мумкин. Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Яссавий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий каби туркий алломаларнинг жаҳон маданиятига қўшган ҳиссаси ҳали очилмаган қўриқ бўлиб турибди.

Биз узоқ йиллар давомида «Дин—афюн» деган шиорни байроқ қилиб, динларни, жумладан Ислом динини, у яратган бебаҳо маданий обидаларни инкор этдик, буздик, сувга оқиздик, куйдирдик. Ислом маданиятининг дунёвий илм-фан тараққиётига қўшган ҳиссасини танимадик. Ислом маданиятининг жаҳоний аҳамияти ҳақидаги Шарқу Ғарбда яратилган тадқиқотлардан ҳам бехабар қолдик. Масалан, Шарқ олимларини қўя турайлик, Ғарбдаги кўплаб исломшунослар ислом илм-фан дини эканлигини ҳужжат ва далиллар асосида исботлаганлар. Исломшунос Франц Роузентал «Илм тантанаси» деган йирик асарида ислом дини мағиз-мағзигача илм олишга даъватдан иборат деб таъкидлайди. Немис шарқшунос олимаси Зигфрид Хенке ўзининг «Араб қуёши Ғарбга зиё сочади» номли йирик асарида ислом маданиятининг жаҳоний аҳамияти хусусида сўзлайди. Китобнинг «Мадрасага қатнаётган халқ» бобида Ғарб аҳолисининг 95 фоизи саводсиз бўлган, Буюк Шарл қариган чоғида ўқиш ва ёзишни қийналиб ўрганаётган, Ғарбдаги ҳукмдорлар ўз саводсизликларини ошкора эътироф этаётган, ҳатто ибодатхоналарда қалам тутишни биладиганлар, хат-савод кишилар нодир бўлган IX—XII асрларда ислом оламининг шаҳару қишлоқларидаги минглаб мадрасалар, мактабларда миллионлаб ўғил-қизлар ўқиётгани, улар ислом талабига асосан илм-фанни рағбат билан ўрганаётгани ҳақида ҳикоя қилади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Занжирланган Онг кишанларини узишга бел боғлаган ҳар бир киши Маҳатма Гандининг ушбу ўгитини такрорлаб туришини истаймиз: «Мен уйим тўрт томондан девор билан ўралиб, деразаларим эса зич бекитиб қўйилишини истамайман. Барча мамлакатлар маданияти уйимга эркин кириб келишини хоҳлайману, лекин унинг оёғимдан қоқиб йиқитишини ҳам истамайман».

Бекдавлат АЛИЕВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор.

Маҳмуд РЎЗИҚУЛОВ,
педагогика фанлари номзоди, доцент.

• *Муштарий танқид қилади*

САРГАРДОНЛИК КИМГА КЕРАК?

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бозор иқтисоди шароитига босқичма-босқич ўтишнинг асосий омили. Бунинг учун Вазирлар Маҳкамасининг қарорида белгиланган миқдорда имтиёзли нархларда сотиладиган моллар рўйхати қайд этилган. Бу қарорга мувофиқ аҳоли болалар кийим-бошлари, оёқ кийим ва қатор моллар билан таъминланиши керак.

Ана шу имтиёзли моллларнинг тарқатилишида бизнинг «Қоратепа» жамоа хўжалиғида эътирозлар туғиляпти. Худудимизда ўн мингдан зиёд аҳоли яшайди. Уларга ҳукуматимизнинг юқоридаги қарори асосида кийим-кечаклар фақат битта дўкондан берилади. Ҳолбуки, жамоада 7 та дўкон мавжуд. Шу дўконларда ҳам талон бўйича аҳолига озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилади. Хўш, шундай экан, болалар кийими, шунга ўхшаш моллар ҳам шу дўконларда тарқатилса бўлмайдими?

Бу саволнинг туғилишига сабаб шуки, 10-15 чақиримча масофадан — Дашт, Азлартепа, Дўрмон сингари қишлоқлардан келадиган аҳолига қийин бўлмоқда. Азлартепа қишлоғида яшовчи меҳнат фахрийси Саман бобо Ражабов шундай дейди:

— Бизнинг қишлоқ аҳли имтиёзли болалар кийим-бошини берадиган дўконга бориб келишлари учун 20 чақирим йўл босиши керак. Кўп ҳолларда дўконга бир амаллаб етиб келсак, белгиланган болалар кийим-кечаклари бўлмайди. Гоҳида навбатимиз ўтиб кетиб қолади...

Дўрмон қишлоғидан ўқитувчи Иброҳим Мирзаевнинг ҳам фикри шундай.

Хулоса шуки, ҳамма ўз ишини сарсон-саргардонликсиз битказса... Негадир Қамаши тумани матлубот жамиятига қарашли Тўқбей қишлоқ матлубот жамиятининг мутасадди раҳбарлари аҳоли учун бундай қулайликни яратишни ўйламаяптилар. Ўн минг одамнинг бир кунда биргина дўконда навбатда туриши меҳнат интизомининг бузилишига олиб келмайдими?!

Саодат ОСТОНОВ,
Қашқадарё вилояти.

ХОНОБОДДА КУЛГИ КУНИ

СОЙИБ ХЎЖАЕВ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНГАН БУ ТАДБИР ЧИНАКАМ БАЙРАМГА АЙЛАНДИ

Ҳар йили май ойининг биринчи ўн кунлигида Андижон вилоятининг сўлим Хонобод шаҳрида кулгу дарғаси, Ўзбекистон халқ артисти Сойиб Хўжаев хотирасига бағишлаб кулгу кунини ўтказиш анъанага айланиб бормоқда. Шаҳар ҳокимлиги билан Ўзбекистон ХДП шаҳар кенгаши бу ажойиб тадбирнинг чинакам байрамга айланиши учун барча шароитларни яратиб беряпти.

Бунинг рамзий маъноси бор, албатта. Хонободликлар — санъатсевар халқ. Бу ердан Ватанимизнинг жуда кўп ажойиб кишилари етишиб чиққан. Уларнинг орасида кулгу дарғаси Сойиб Хўжаев алоҳида ўрин тутади. Унинг номини хонободликлар ҳам ҳамиша ҳурмат-эҳтиром билан тилга оладилар. Ўтган йили бу ерда Сойиб Хўжаев номидаги маданият ва истироҳат боғи ташкил этилди. Хонободдаги кўчаларнинг бирига, чарм-атторлик фабрикасининг маданият саройига унинг номи берилди.

Республика Маданият ишлари вазирлиги ва шаҳар ҳокимлигининг ташаббуси билан бу йил яна бир хайрли ишга қўл урилди: Сойиб Хўжаев номидаги Республика хайрия жамғармаси ташкил этилди. Фарғона водийсидаги бир қанча хўжаликлар, Юнусобод туман ҳокимияти унинг таъсисчилари бўлишди.

Жамғармага Сойиб Хўжаевнинг бешинчи фарзанди, физика-математика фанлари номзоди Маъмурхўжа Хўжаев раислик қилмоқда. Янги жамғарма атоқли санъаткорларнинг хотирасига бағишлаб альбомлар тайёрлайди. Китоблар, эсдаликлар чоп этади. Кинофильмлар яратади. Кўп йиллар театр ва кино соҳасида ишлаб, эндиликда кексалик гаштини сураётган санъаткорларга мададкор бўлади. Эндигина етишиб чиқаётган истеъдодли ёшларга холис ёрдам беради.

— Устоз энг аввало камтар, оддий, нияти холис одам эди, — деб хотирлайди у билан кўп йиллар Муқимий номидаги ўзбек Давлат мусиқали театрда бирга ишлаган Ўзбекистон халқ артисти Суръат Пўлатов.— Шу уч ҳислати боис унинг фарзандлари ҳам кўп бўлган. Сойиб акани нафақат Марказий Осиёда, балки ундан ташқаридаги давлатларда ҳам яхши билишарди, санъатига тан беришарди.

Халқимизнинг унга «қиймат актёр», «кулгу дарғаси» деб ном бергани ҳам бежиз эмас. Сойиб ака кўпчилик санъаткорларга ўхшаб бирон бир дорилфунунни тамомламаган бўлса ҳам ўзининг туғма истеъдоди, юксак ижодий қобилияти билан халқимизнинг қалбида ўчмас из қолдирди.

Сойиб Хўжаев саҳналаштирилаётган ҳар бир янги асарни мантиқий ўқиш давридаёқ ўз «тили»га мослаштириб оларди. Ваҳоланки, кўпинча саҳналаштирувчи режиссёрлар ўзидан сўз қўшадиган актёрларни ёқтиришмайди. Лекин Сойиб ака ўзидан сўз қўшганида ҳатто таниқли драматургларнинг ҳам уни ўзининг асарига киритиб қўйишган. Айниқса, устознинг андижонча шевада гапиришлари у ўйнаган ролларга жуда мос тушган.



Комил Яшиннинг «Равшан ва Зулхумор» мусиқали драмасида Эрсак ва Терсак эпизодлари бор. Уларни Сойиб Хўжаев билан Ҳамза Умаров ўйнаган. Икковлон ерни ковлаб келишади-да, зиндонни эслатувчи саҳнадан чиқишади. Аввал саҳнага ғишт отилади. Кейин эса Эрсак билан Терсак белигача кўринади. Бир куни Сойиб ака Ҳамза Умаровдан илтимос қилиб, спектаклнинг шу жойига «Вой-бўй, бу ер намунча қоронғу» деган гапни қўштиради. Роль ижро этилаётган пайтда Ҳамза ака саҳнага қараб «Вой-бўй, бу ер намунча қоронғу» дейди. Шунда Сойиб ака:— Энангнинг уйимиди чироқ ёқиб қўйса, бу ер зиндон бўлса,— деган ва у саҳнани кузатиб турган драматургга ҳам жуда маъқул тушган. Ана шундай ёндашувлари билан истеъдодли санъаткор мухлисларини ҳамиша мафтун этган. Саҳна асарларига жон, ҳаёт бағишлаган. Шунинг учун ҳам Ҳамид Ғуломнинг «Тошболта ошиқ» спектакли йигирма йил саҳнадан тушмай, катта маҳорат билан намойиш этилди.

Ўзбек театри тарихида бирданига Ўзбекистон халқ артисти фахрий унвонига эга бўлганлар бармоқ билан санарли. Шукур Бурҳонов, Маҳмуджон Ғофуров, Раҳим Пирмуҳамедов, Роман Ткачук қаторида Сойиб Хўжаевга ҳам ана шундай омад кулиб боққан.

— Сойиб Хўжаев саҳнада қандай бўлса, ҳаётда ҳам шундай инсон эди,— деб эслайди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Файзулла Аҳмедов.— Саҳнани қўйинг, у билан ҳатто тўйларга бирга бориб турардик. Сойиб ака эшикдан кириши биланоқ ҳаммаёқ қийқириқ, ура-ура бўлиб кетарди. Шундай тўйларнинг бирида давра тезда қизиб кетавермади шекилли, ўртани олиб бораётган Сойиб ака ҳаммага эшиттирганча мендан сўраб қолди:

— Файзулла,— бу ернинг номи нима эди?

— Нимага,— дедим мен ҳайратланиб.

— Ҳа энди сўраяпман-да.

— «Коммунизм» колхози.

— Э-ҳа,— дедилар устоз.— Бизниям чўнтак коммунизм бўлганига 20 йил бўлган.

Бундай қизиқ ҳангомалар жуда кўп бўлган. Бир йили Қўқонга гастрол сафарига бордик. Бозор бурчагида эски чойхона бор экан, кирдик. Иссиқ нон олиб, чой дамлатирдик. Чойхоначи берган пиёланинг биронта учмаган жойи йўқ экан, сал бўлмаса лабни кесиб кетай дейди.

Сойиб ака чойхоначига юзланди:

— Мулла ака, бу пиёлангизнинг нархи қанча?

— Нимайди?— ажабланди чойхоначи. Устоз яна қайта сўрагач жавоб қилди:

— Эллик тийин, боринг бир сўм турар.

— Мана сизга ўн сўм, шуни менга беринг музейга обориб қўяман.

Чойхоначи қараса, пиёла ҳалигидай, уни ерга бир уриб синдирди.

— Эҳ, эссиз,— дедилар Сойиб ака.— Йигирма сўм бўлсаям олиб кетардим-а, бекор қилдингиз.

Бир йили Сойиб акага тўртинчи қаватдан уй беришди. Ўша кезлари «Раис уйланармиш» спектакли янги саҳналаштирилган кезлар эди. Сойиб ака унда Ҳайдар тажангнинг ролини ижро этган. Спектаклда Ҳайдар тажангнинг «Худо урсин, мен бу ишни қилмаганман» деб қасам ичадиган жойи бор. Бир куни ролни ижро этаётган Сойиб ака залда ўтирган «Горсовет» раҳбарини кўриб қолади. Ва қасамни ўзгартириб:

— Илоё, шу ишни қилган бўлсам, тўртинчи қаватдан йиқилиб, тил тортмай ўлай,— дейди.

Шундан сўнг шаҳар маъмурлари Сойиб аканинг уйини биринчи қаватга алмаштириб беришади.

Мустақиллик, миллий истиқлол шарофати билан маънавий қадриятларимиз қайта тикланаётган, жонажон Ўзбекистонимизнинг буюк келажагига пойдевор қўйилаётган ҳозирги дориломон кунларда санъатимизнинг янада камол топаётгани, улкан истеъдод соҳибларининг номи улуғланаётгани қалбларимизни тўлқинлантиради. Сойиб Хўжаев хотирасига бағишлаб, Хонободда ўтказилган кулгу куни ана шу қутлуғ ишларнинг намунасидир. Шаҳарнинг ҳамма жойида эртадан кечга қадар хандон қаҳ-қаҳалар янгради. Муқимий номли ўзбек Давлат мусиқали театридан келган Рустам Маъдиев бошчилигидаги бир гуруҳ санъаткорларнинг чиқишларини мароқ билан томоша қилдилар. Мамлакатимизнинг турли вилоятларидан байрамга ташриф буюрган ёш қизиқчиларнинг ичак узди ҳангомалари кулгу кунига алоҳида кўтаринкилик бағишлади. Кулгу кунида Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгашининг биринчи котиби Р. Мухторов, Хонобод шаҳар ҳокими М. Мусаев сўз олдилар.

Хонободдан қайтар эканмиз, Сойиб Хўжаевнинг турмуш ўртоғи, тўққиз фарзандининг онаси Файзихон ая Мўминова шундай ишларга бош бўлаётган, санъатни қадрлаётган олийҳиммат кишиларга миннатдорчилик билдириб, қўлларини дуога очди, юртимизга тинчлик, омонлик тилади.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози»нинг Андижон вилояти бўйича мухбири.

● МАДАНИЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ТЎЙГА ҲОЗИРЛИК

Маълумки, ўзбек маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган шоир ва бастакор, атоқли давлат арбоби Муҳаммад Раҳим Феруз таваллудининг 150 йиллиги муносабати билан республика Вазирлар Маҳкамасининг қабул қилган қарорига кўра Хоразм вилояти ҳокими М. Жуманиёзов ана шу юбилейни ўтказиш ташкилий қўмитаси раисининг ўринбосари қилиб тасдиқланган эди.

Хоразмда мазкур қарорнинг бажарилиши юзасидан тузилган ишчи гуруҳининг маслаҳат йиғилиши бўлиб ўтди. Ишчи гуруҳи иштирокида Хива шаҳридаги шоир ва атоқли давлат арбоби номи билан боғлиқ қадамжоларни таъмирлаш, унинг номи билан боғлиқ асарларни театрларда саҳналаштириш, Хива шаҳрида шу санага бағишланган маърифий конференция ўтказиш каби қатор муҳим тадбирлар ишлаб чиқилди. Юбилейга тайёргарлик кўриш гуруҳи аъзолари шу куни Огаҳий номидаги вилоят театри ижодий жамоаси томонидан саҳналаштирилган Комил Аваз қаламига мансуб «Феруз» драмасини жамоатчилик билан томоша қилдилар.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО.
/ БУЮК МУНАЖЖИМ ТАВАЛЛУДИГА

● Қарши шаҳридаги Насафий номли вилоят кутубхонасида ўтказилган «Юлдузларда эди хаёлим» деб номланган адабий кеча улуғ бобомиз Мирзо Улуғбек ҳаёти ва ижодига бағишланди.

Унда иштирок этган вилоят ёзувчилар уюшмасининг бир гуруҳ ижодкорлари Мирзо Улуғбек ҳаёти, у яратган улкан илмий мерос ҳақида сўзлаб бердилар. Шунингдек, кутубхонада ташкил этилган «Улуғбек ва у яшаган даврнинг асарлари» кўргазмаси ҳам ташриф буюрганларда катта таассурот уйғотди. Шаҳар маданият уйи бадиий ҳаваскорлари томонидан тайёрланган адабий мусиқали дастур, Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» романидан олинган парчалар асосида саҳналаштирилган театр томошалари илиқ кутиб олинди.

ХАРЧИНОМА

Республика тиббиёт билим юрти
Й. Охунбобоев номли

1994 йил 18 май куни "Очиқ эшиклар куни" ни ўтказади. 1 июндан бошлаб қуйидаги бўлимларга қабул эълон қилади:

- "Доришунослик",
- "Ҳамширалик иши",
- "Лаборатория диагностикаси",
- "Гигиена, эпидемиология ва санитария",
- "Ҳамширалик иши" (кечки бўлим).

Барча бўлимларга кирувчилар ўзбек (рус) тилидан (ёзма) имтиҳонлар топширадилар. "Ҳамширалик иши" мутахассислиги бўлимига кирувчилар БИОЛОГИЯдан (оғзаки), бошқа бўлимларга кирувчилар КИМЁ фанидан оғзаки имтиҳон топширадилар.

Барча бўлимларга кириш имтиҳонлари 1 августдан бошланади.

Абитуриентлар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари зарур:
1. XI – синфни тугатганлиги тўғрисидаги шаҳодатнома.
2. Тиббий маълумотнома 086/У
3. 4 дона сурат (3х4 см)
4. Паспорт

Билим юрти манзилгоҳи: Тошкент шаҳри, Ишчилар шаҳарчаси, Барнаул кўчаси, 9-уй. тел.: 48-22-59.

«Ирит—2» кичик корхонаси

УЙ ҚУРИШДА СОЗ УСКУНА

«ИРИТ-2» кичик корхонаси шиббалаб хом ғишт ишлаб чиқариш учун ускуналар таклиф этади.

Хом ашё — сув қуймасдан қориладиган лой ёки М—50 ғиштбоп маркали цемент.

Ускуна унумдорлиги — соатига 180 дан 450 тагача ғишт тайёрланади. Пишириш тақозо этилмайди. Бизнинг ускунамиз қишлоқларда ва якка тартибда уй қурилишида ғоятда қўл келади.

ТЕЛЕФОН: 62-52-91.
44-47-20. (соат 18.00 дан кейин).

Соат 24.00

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ. Шайхонтоҳур туманидан ички ишлар бўлимига тушган хабарга кўра, «Марказ-13» даҳасидаги хонадонлардан бирида яшовчи нафақахўр Зайнуллин ўзаро келишмовчилик оқибатида ўз ўғлини болта билан уриб ўлдирган. Ёруғ оламга келтирган фарзандини нариги дунёга юборган отанинг иши терговга оширилди.

* * *

БУХОРО. Вобкент туманидаги «Аму-Бухоро» канвлидан топилган Жумаевнинг жасади суд тиббий-экспертиза кўригидан ўтказилди. Марҳум чўкиб ўлмасдан, балки бўғиб ўлдирилган экан. Ажабланарлиси шундаки, ушбу жиноятни унинг хотини ва икки ўғли содир этган.

* * *

ШОФИРКОН туманида олиб борилган тезкор қидирув тадбирлари натижасида 1959 йилда туғилган А. Ғуломовни ўлдирган ва унинг хотини Бердиевага оғир тан жароҳати етказган жиноятчи ушланди. У Собир Раҳимов кўчасида яшовчи, муқаддам судланган 31 ёшли йигит экан.

* * *

ТОШКЕНТ. Акмал Икромов туманида икки номаълум шахс «Чилонзор-25» мавзесида яшовчи иккинчи гуруҳ ногиронни Осмоновнинг уйига бостириб кириб, уни кўрқитиб ҳар хил буюмларини олиб кетишган эди. Зудлик билан кўрилган тезкор тадбирлар натижасида ушбу талончиликни қилган А. Шлёш ва М. Раззоков ушланди.

* * *

САМАРҚАНД шаҳрида вилоят «БТИ» техники Ш. Мўминов Курчатов кўчаси 84-уйда яшовчи нон комбинати ишчиси Қўлдошеванинг хонадонига кириб, унинг уй ҳужжатларини расмийлаштириб бергани учун 100 минг сўм пора олган вақтида милиция ходимлари томонидан ушланди.

* * *

АНДИЖОН. Олтинкўл туманида ички ишлар ходимлари томонидан тезкор тадбирлар ўтказиш маҳалида Қўчқоров номли жамоа хўжалиги аъзоси Қурбоновнинг уйидан 3 килограмм наша топилди.

* * *

ХОРАЗМ. Хазорасп темир йўл бекатида милиция ходимлари томонидан шахсини аниқлаш мақсадида ушланган Туркманистон фуқароси Галижевнинг ёнидан бир кило марихуанна гиёҳванд моддаси топиб олинди.

* * *

НАВОИЙ. Номаълум шахс Навоий кўчасидаги 38-уйнинг олдида «Навоийазот» бирлашмаси ишчиси Тўраевнинг кўкрагига пичоқ уриб оғир тан жароҳати етказади. Натижада жабрдийда касалхонада вафот этди. Жиноятчи ушланди. У 1962 йили туғилган, ҳеч қаерда ишламайдиган Жетников экан.

Юқорида баён этилган барча далиллар юзасидан тергов ва суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

* * *

СУХОНДАРЁ. Термиз шаҳрида олиб борилган тадбирлар маҳалида «8 март» кўчасида гумонсираб ушланган уч кишининг ёнидан 15 килограмм наша топилди. Улардан бири ширкат раиси, иккинчиси талаба ва учинчиси ҳеч қаерда ишламайдиган фуқародир.

* * *

ХОРАЗМ. Хазорасп туманидаги бозорда ғалати воқеа содир бўлди. Шу ердаги автобекат кассирини тўрт-беш киши савалашди. Бу ҳам етмаганидек оёғига пичоқ уриб, жароҳат етказишди.

Ички ишлар ходимлари томонидан олиб борилган тезкор тадбирлар туфайли беш зўравон ушланди.

* * *

Боғот туманида 53 ёшли иккинчи гуруҳ ногиронининг жасади топилди. Мурданинг ковурғалари синган, арқида ётарди. Тезда кўрилган чора-тадбирлар туфайли икки қотил ушланди.

* * *

АНДИЖОН. Избоскан туманидаги «Пойтуқ» жамоа хўжалигида яшовчи Қипчоқов уйига ичиб келиб, жанжал кўтарди. Маст отанинг жаҳл устида ерга улоқтирган пичоғи ширин уйқуда ётган қизи Нодиранинг кўкрагига санчилди. Жажжи қиз қайта кўз очмади.

Ш. РЎЗИЕВ,
Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази ходими.

• Соғлом авлод—келажак пойдевори

Ирсият фани ўзининг минг йиллик тарихига эга. Буюк аллома Ибн Сино ўзи ўтказган тадқиқотлар асосида ирсиятга оид фикрларни ёзиб қолдирган. «Агар одам бақувват ва соғлом бўлиб, ҳар хил насл касалликлардан холи бўлса, унинг авлоди ҳам соғлом бўлади», деб хулоса чиқарган.

ҚАРИНДОШГА ҚУДА БЎЛГУНЧА...

Ҳақиқатан ҳам ирсият шундай улкан кучга эга. Унинг қонуниятлари асосида ақл бовар қилмайдиган мўъжизалар рўй беради. Агар генетика фанига асосланган қонуниятлар бўлмаганда эди, покмодонлик бобида тенги йўқ Англия қироличасининг қора танли бола туғиши унга ва қироллар авлодига қанчалар иснод келтириши турган гап эди. Чунки қора бола туғилишида қиролича айбдор бўлмасдан, балки авлодида ўтган қора буваси сабабчи эди. Ҳа, бу табиат қонуни. Ҳар бир организм авлодлардан ўтиб келаётган белгиларни сақлаб, уларнинг маълум миқдорини наслдан-наслга ўтказиш хусусиятига эга. Нафақат юз тузилиши, соч, қош-кўзнинг ранги, қоматнинг паст-баландлиги, балки ички аъзоларнинг тузилиши, модда алмашинуви, маълум бир касбга бўлган қобилият, иқтидор каби белгилар ҳам наслдан-наслга ўтади.

Ташқи кўринишни ва ички аъзоларнинг белгилари билан бир қаторда авлодларга хос бўлган олий фазилатлар ҳам авлоддан-авлодга ўтади. Мирзо Бобурдаги шоирлик иқтидори, фақатгина унинг фарзандлари Комрон Мирзо ва Гулбаданбегимдагина намоён бўлмасдан, тўртинчи авлоди бўлмиш, тенги йўқ ғазаллар соҳибаси Зебуннисода қайтарилиши фикримизнинг далили ҳисобланади.

Бахтга қарши яхши фазилатлар билан бирга ҳар хил нуқсонлар ва ирсий касалликлар белгилари ҳам ирсият қонунларига мос равишда наслдан-наслга ўтиб, оғир мусибатларга олиб келади. Бу нафақат бир беморнинг тақдирини, балки бутун бир келажак авлод тақдирини белгилайди. Тутқаноқ, миопатия (мажруҳлик), гемофилия (қон ивимаслик), дальтенизм (ранг ажратмаслик), Томсон касаллиги, Гентингтон хасталиги (вояга етганда ақл пасайиб кетиши) ва бошқалар шу касалликлар жумласига киради. Бу ирсий хасталиклар ер куррасидаги минглаб оилаларнинг ва авлодларнинг саломатлигига, бахтига кишан солувчи оғу ҳисобланади. Уларнинг ирсий тузилиши, клиник манзараси, наслдан-наслга ўтиш турларини ўрганиш қанчалик катта аҳамиятга эга бўлса, уларнинг олдини олувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиш эса энг долзарб ва айни вақтда ижтимоий муаммолардан бири ҳисобланади. Чунки бу ирсий касалликларнинг ирсиятга келиши натижасида минглаб болалар ногирон бўлиб туғилса, катта орзу-умидлар билан қурилган кўп оилалар барбод бўлади.

Кўпгина мамлакатларда, айниқса, Ўрта Осиёда қариндошлар ўртасидаги никоҳлар кўп учрайди. Натижада насл касалликлари билан шикастланиш хавфи ҳам кўпаймоқда. Яқин қон-қариндошлар никоҳида туғилган чақалоқларнинг ўлик ёки чала туғилиши каби ҳолатлар кўп бўлади.

Японияда қон-қариндош никоҳи натижасида туғилган болаларнинг турли касалликлар билан ўлиши бир-бирига қариндош бўлмаган келин-куёвлар никоҳларига қараганда уч фоиздан ортиқни ташкил қилади. Агар охирги йилларда акселерация туфайли туғилган фарзандларимизнинг жисмоний ўсиши дуркун ва бақувват, бўйи ота-оналарига қараганда баландроқ бўлаётгани қайд қилинаётган бўлса, бу қон-қариндош никоҳларида аксинча, болаларнинг ўрта бўйидан 0,6 см. пастроқ, оғирликлари ўрта вазндан 0,3 кг. камроқ бўлганлиги қайд қилинган. Бундай болаларда ақлий заифлик ҳам кўпроқ учрайди. Масалан, биз кузатаётган бир оилада опанинг соғлом қизи, сингилнинг соғлом ўғлига никоҳ қилинади. Бу оиладан уч қиз, икки ўғил туғилади. Беш боладан иккитаси микроцефалия, яъни кичик бош билан, ақлий заиф бўлиб туғилди. Уларда тутқаноқ касаллиги пайдо бўлди. Бу болаларнинг бири бир ёшда, иккинчиси уч ёшда вафот этди. Иккала боладаги бир хил хасталик ирсий эканлигидан далолат беради. Ваҳолонки, опа-сингилнинг қизи ва ўғли бошқа авлодга никоҳ қилинганда, бу фожиа рўй бермаган бўлур эди.

Кейинги йилларда ирсий касалликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари — профилактикаси яхши самаралар бера бошлади. Бу ҳам бўлса тиббиёт амалиётида кўпгина ривожланган давлатларда тиббий-генетик маслаҳатхоналарнинг яхши йўлга қўйилганлигидандир. Бундай маслаҳатхоналар, айниқса, АҚШда кенг ривожланиб, авлодни тозалаш бобида яхши натижаларга эришилмоқда. Тиббий-генетик маслаҳатхоналар мавжуд маълумотларга таянниб, беморга ташхис қўйиш, хасталикнинг наслдан-наслга ўтиш йўллари ва ўтишга олиб келувчи хавф-хатарларни аниқлаш, унинг кечиш даврини ўрганиш ва даволаш усулларини ишлаб чиқиш, ирсий касалликка учраган беморларни руҳан ҳимоя қилиш сингари вазифаларни бажаради.

Ирсий касалликлар кўп манзарали бўлганликлари сабабли тўғри ташхис қўйиш анча мушкул. Лекин беморни ва унинг энг камида уч авлодини тиббий нуқтаи-назардан чуқур ўрганиб чиқиш тўғри ташхис қўйишга ёрдам беради. Бунда келин-куёв орасидаги қариндош-уруғчилик, чала ёки ўлик бола туғилиш, монозиготалик эгизакларнинг саломатлигини назорат қилиш каби ҳолларга алоҳида эътибор бериш лозим. Генетик шифокор текширишлари натижасида бемор тўғрисида маълум бир ахборотга эга бўлгандан кейин бу оила фарзанд кўриши ёки кўрмаслигини аниқлайди. Агар ирсий касалликларга олиб келувчи хатар ҳавфли бўлмаса, унда келинкуёвларга фарзанд кўриш рухсат берилиб, доимо шифокор назоратида бўлиш тавсия этилади. Модомики, ирсий хатар кучли бўлиб, касалликнинг чиқиши ва такрорланиши муқаррар бўлса, бундай оилаларга фарзанд кўриш ман этилади. Фарзанд кўриш истаги бор оилаларга қариндош бўлмаган, фақатгина ўзга соғлом жуфт орқали бу ниятга етишишлари мумкинлиги тушунтирилади. Бу зайлдаги маслаҳатлар нафақат касаллик, балки ҳаётий прогнозларни белгилаб беради. Бундан ташқари қанчадан-қанча ногирон болаларнинг туғилиши олди олинади. Ирсий касалликка чалинган ногирон, ақлий ва жисмоний заиф болаларни тарбиялашга зое кетган ота-оналарнинг кучқуввати, руҳий азоби ҳимоя қилинади. Соғлом авлод ва соғлом турмуш тарзи рўёбга келади.

Н. МАЖИДОВ,
Европа ва Осиё тиббиёт фанлари академияси академиги, профессор. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

Х. ХАЛИМОВА,
доцент.

ҚУТЛОВЛАР

Қадрли дўстим **Ғуломхон ЖАЛОЛОВ!** Сизни 50-ёшга тўлганлигингиз муносабати билан қизғин муборакбод этаман.

Умрингизнинг кўп қисмини тиббиётга бағишлаб, эл саломатлиги йўлида меҳнат қилдингиз. Ўнлаб муносиб шогирдлар тайёрладингиз. Бундан кейин ҳам инсон саломатлиги йўлида сира толманг. Фарзандларингиз ва дўстларингиз бахтига омон бўлинг.

Ҳурмат билан дўстингиз Расулжон Шодияров.

* * *

Ҳурматли ва меҳрибон онажонимиз Маҳсума ҲАСЛОМОВАни мўътабар ёшга тўлишлари муносабати билан чин дилдан муборакбод этамиз. Ўз умрларини укалари, фарзандлари ва набираларининг тарбиясига бахшида этган онажонимизга соғлик-саломатлик, узоқ умр тилаймиз. Бахтимизга доимо омон бўлинг!

Фарзандларингиз ва набираларингиз: Раҳмонбек Ҳожи, Заҳрохон, Машқура, Мансуржон, Раҳимберди, Нилуфар, Назокат, Райимберди, Олимжон.

«ТИМАРТ» ФИРМАСИ

Тошкентдаги омбордан пўлатли тўғри чокли **1020** қувурини **СОТАДИ** 17 ГС пўлат

Девор қалинлиги 10+12 мм

Узунлиги 11—12 м

ТЕЛ. (3712) 91-02-32. 91-60-01.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси Сирдарё вилояти партия кенгаши биринчи котиби Собиржон Усмоновга синглиси Маҳсудахон ЙЎЛДОШЕВА ҳамда жияни СЕВАРАХОНнинг фожиали ўлими муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси Агросаноат маҳсулотларини қайта ишлаш бўлимининг бошлиғи Шарибулла Асадуллаевич Асадуллаевга қизи Барно АЪЗАМОВАнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва қариндош уруғларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент электротехника алоқа институти жамоаси меҳнат фахрийси, техника фанлари номзоди, доцент Муаттар Боқиевна АСҚАРОВАнинг узоқ касалликдан сўнг вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига ва қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Журналистлар уюшмаси бошқаруви ва «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти жамоаси таниқли журналист Йўлдош Оташ Муқим ўғлига қизи ГУЛНОРАнинг фожиали ҳалок бўлганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

Ўзбекистон Давлат телерадиокомпаниясининг Бадиий жамоалари дирекцияси, Юнус Ражабий номидаги «Мақом» ансамблининг хонандаси, жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Матлуба Дадабоевага онаси Хайринисо КАЛОНОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети жамоаси француз тили фонетикаси кафедрасининг катта ўқитувчиси, филология фанлари номзоди Баҳром Аъловева онаси Турсунхон АЪЛОЕВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Асилиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Знёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИҲСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Оснё бозори» нашраси учун масъул), Шоҳосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Маҳкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими—33-54-55, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Оснё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-96-12; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-46-24; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-37-16.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г — 939 тир. 85501.
Навбатчилар: Ҳ. ИКРОМОВ, Р. ШОДИЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «БуюкТурон» кўчаси 41-уй. топширилди — 21.30. 1 2 3 4 5 6.